БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 149 (18.027). • 28 июнь 1981 йил, якшанба • Баҳоси 2 тийин.

## МЕҲНАТ РАПОРТИ

**Ўзбекистон ССР Госкомсельхозтехника корхоналари ва ташкилотларининг коллективлари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини амалга ошира бориб, ярим йиллик планни муддатидан илгари, 26 июнда бажардилар. Ярим йилнинг охиригача қўшимча равишда 5,9 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.**

**(ЎзТАГ).**

*КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!*

# ДАЛА ИШЛАРИГА ЗАРБДОР СУРЪАТ

## ЕМ-ХАШАК БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

**Озуқа — чорвачиликнинг асосий базаси. Чорва молларни кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш тайёрланган ем-хашакнинг миқдори, тўйимлилик даражасига боғлиқ. Озуқанинг кўп жамғарилиши қишловнинг бехатар ўтказилиши демакдир. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев Тбилисидаги тантаналарда сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, чорвачилик — озиқ-овқат программасининг энг муҳим таркибий қисмидир. Ем-хашак базасини мустаҳкамлаш — чорвачиликни юксалтиришдаги энг муҳим вазифадир. Шу сабабли ҳозирги беш йиллик кўп жиҳатдан ем-хашак беш йиллиги бўлиб қолиши зарур.**

**Республикамиз меҳнаткашлари партия ташкилотлари раҳбарлигида чорва моллар озуқа базасини мустаҳкамлаш борасида катта тадбирларни амалга оширмоқдалар. Табиий ўтлоқларнинг ҳолати яхшиланяпти, бошоқли, дон-дуккакли экинлар, беда, маккажўхори, рапс ва бошқа озуқабоп экинлар майдони кенгайтирилиб, ҳосилдорлиги оширилянти. Фан-техника ютуқлари, илғорлар тажрибаси, шу замирда бунёдга келган технология ишлаб чиқаришга кенг жорий этилянти. Чорвачилик тармоғи, хусусан, ем-хашак тайёрлаш бригадалари юқори маълумотли, ташкилотчи кадрлар билан мустаҳкамланяпти.**

**Об-ҳавонинг серёғин келиши, табиий ўтларнинг дуркун ўсиши, эрта пишиб етилиши, ўрим-йиғимга ташкилий жиҳатдан пухта тайёргарлик билан киришилиши ем-хашак тайёрлаш юзасидан қабул қилинган мажбуриятларни ортиғи билан бажариш мумкинлигидан далолат берянти. Шу йил 22 июнга қадар республика бўйича 3 миллион 370 минг тоннадан зиёд дағал хашак тайёрланиб, план деярли 60 процент бажарилди, сенаж бостириш плани 155 процент адо этилиб, катта муваффақиятга эришилди, 36 минг тоннадан ортиқ ўт уни ҳозирланди.**

**Қашқадарё ва Тошкент областлари, Ленин йўли, Қува, Қарши, Ульянов, Калинин, Ўйчи, Дўстлик ва бошқа қатор районларда озуқа тайёрлаш намунали олиб борилянти. Партия, совет, комсомол ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари илғор областлар, районлар, колхоз ва совхозларнинг иш услубини ҳамманинг мулкига айлантириб, ем-хашак тайёрлашни бутун чоралар билан кучайтирмоқлари зарур.**

**Илғорларнинг тажрибаси нималардан иборат? Тузилган махсус бригадаларга етарли миқдорда ишчи кучлари, техника ва транспорт воситалари ажратилган, уларнинг тинимсиз ишлаши таъминланяпти. Графикларнинг бажарилиши мунтазам текшириб борилади, ўз имкониятлари даражасида ишламаётганлар тартибга чақирилиб, илғорлар билан текшлашишга мўмаклашилмоқда. Иш бошига ташкилотчи коммунистлар, мутахассислар қўйилган, улардан қаттиқ масъулият талаб қилинаётир. Социалистик мусобақа ташкил этилган, иш якунлари муҳокама қилиниб, илғорларга кўчма Қизил байроқлар, пул мукофотлари берилмоқда. Ўрим агрегатлари билан транспорт воситаларининг қаткови бир-бирига уйғунлаштириб олиб борилмоқда.**

**Афсуски, ҳамма жойда ҳам иш ана шундай ташкил қилинаётир деб бўлмайди. Айрим хўжаликларда кўп ва тўйимли озуқа, гўшт, сут, тухум, жун ва бошқа маҳсулотлар мўл-кўллигини бунёдга келтириш, чорва моллар ва паррандаларни яхшироқ семиртиришнинг асосий омили экани унутиляпти, ўримни кучайтириш чоралари кўрилмай, ғанимат фурсат қўлдан бой берилянти. Яна бир нуқсон шуки, суръатни оширишда оперативчилик кўрсатилмаяпти, пичан, беда, табиий ўтлар ўриш, сенаж бостириш пайсалга солинмоқда.**

**Илғор районлар ва хўжаликларда беданинг учинчи ўрими бошланганига анча бўлди, ғарамлар сони ортяпти. Лекин бир хил шароит ва имкониятга эга бўлган Жалолқудуқ, Когон, Оҳангарон каби районларда ҳали иккинчи ўрим тугалланганча йўқ. Усимликнинг тўйимли моддалари офтобда қовжираб тўкилиб кетаётгани ўрим тақдири учун масъул кишиларни ташвишга солмаяпти. Бунинг устига ўрилган беда вақтида ташиб олинмаяпти, беда ва ўт уни тайёрлаш топшириғи бажарилмаяпти. Бу соҳадаги план эндигина 20 процент адо этилганини қандай баҳолаш керак!**

**Ем-хашак тайёрлаш ҳақидаги маълумотга кўз ташланса, айрим районларда янада ташвишли аҳвол юз берганини кўриш мумкин. Нукус, Чимбой, Урганч, Нурота, Пешку, Бойсун, Ховос районларида топшириқлар нима учун бажарилмаяпти! Табиий ўтлар камми, беда яхши ўсмаяптими, техника етишмайдими! Гап шундаки, бу районларнинг раҳбарлари ем-хашак тайёрлашдек муҳим масалага етарли эътибор бермаётирлар, графикларнинг бажарилмаслигидан ташвишланмаётирлар, шу соҳанинг кафолатини олган мутасаддиларга нисбатан талабчанлик қилмаётирлар. «Территориямизда ўтлоқ яйловлар кам, табиий ўтлар пишиб етилганича йўқ» деган баҳонани рўкач қилиб, ўримда кескин бурилиш ясалишини таъминламаётган раҳбарлар ҳам оз эмас. Чорва моллари баҳона ёки ваъда билан эмас, балки кўп, тўйимли, ширали хилма-хил озуқалар билан боқилишини унутмаслик керак. Бунинг учун озуқа жамғаришни ҳар томонлама кучайтириш зарур.**

**Ем-хашак миқдорини ошириш, сифатини яхшилашда интенсивлаш йўлидан бориш, ҳар гектар пичанзор, бедазор, маккажўхоризор, илдиз мевали экинлар ҳосилдорлигини кўтариш чоралари кўрилиши, айни кезда хашак комплекслар, фермалар, қишлов жойларига ташиб келтирилиб, омихта ҳосил қилиниши даркор. Донадор, омихта озуқа ҳосил қилиш иқтисодчиликни камайтиради, самарадорликни оширади. Илғор хўжаликларда маҳсулотларнинг муттасил кўпайтириб борилиши, таннархининг арзонлаштирилиши, рентабелликнинг кўтарилиши бонси шунда. Ҳамма жойда шунга эришмоқ керак.**

**Ўримдаги сусткашликнинг яна бир сабаби шундаки, хўжаликлар ижмидаги техника воситалари дала ишларига тўла сафарбер этилмаяпти, меҳнат унумдорлиги оширилмаяпти. Кўчма устаҳоналар слесарлар, токарлар, механиклар билан етарли таъминланмаган. Оқибатда унумли ишлаши лозим бўлган техника воситаларининг бир қисми бекор туриб қоляпти. Шу кунларда хашак ўримида ишлатилмаган техника қачон ишлатилади! Бу борада техника хизмати кўрсатиш ходимлари оператив чоралар кўришлари керак.**

**Озуқани кўпайтириш резервларидан бири бошоқли, дон-дуккакли экинларнинг сомонидир. Ғалла ўрими нечоғли тезкорлик билан ўтказилса, дон ва сомон шунча кўп тўпланади. Кўп жойларда ер бўшади, унга такрорий экиндар экиш, парваришни кучайтириш, юқори ҳосил олишга замин яратиш керак. Бедаси ўриб олинган майдонлар суғорилиши, озиқлантирилиши лозим. Ем-хашакни кўпайтиришга таъсир кўрсатадиган бирорта резерв эътибордан четда қолмаслиги керак. Маккажўхори дони, пояси озуқанинг катта қисмини ташкил этади. Маккажўхори қийғос суғоляпти. Бундай пайтда комплекс парвариш янада кучайтирилмоғи, гектаридан 100 центнердан ва ундан ошириб «каҳрабо дон» олишга эришилмоғи лозим.**

**Партия ташкилотлари барча чорвадорлар, хусусан, ем-хашак тайёрловчилар орасида меҳнат интизомини мустаҳкамлашлари, ташаббускорликни кучайтиришлари, социалистик мусобақанинг ошкоралигини таъминлашлари керак, токи, ҳар бир хўжалик, район ва область, умуман эса республикамизда мажбуриятда белгиланган миқдорда аъло сифатли ем-хашак тайёрлашга эришайлик!**

**Жиззах области хўжаликларида ғўза парвариши жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Октябрь районидаги Охунбобоев номли совхоз миришкорлари, айниқса зўр ғайрат кўрсатишяпти. Хўжалик бўлимларидаги дуркун ғўзаларни кўриб, кўзингиз қувнайди. Пахтакорлар комплекс парваришни кучайтириб, ғўзаларни суғоришга ҳам алоҳида эътибор беришмоқда. Суратларда: 1. Совхознинг 6-бўлими сувчиси Ҳ. Эгамқулов, 2. Бу йил гектаридан 40 центнердан ҳосил олиш учун курашаётган 2-бўлим даласида — бош агроном Э. Эштоев ва бригадир У. Ашуров ғўзаларни кўздан кечиришмоқда. Мазнур бўлим даласига Сифат белгиси берилган.**

**А. Тўраев фотолари.**

*ЗАРБДОР 100 КУНЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА*

# ДАЛАЛАР ТАРОВАТИ

*РЕПОРТАЖ*

Жўрақул қадрдон даласига одати бўйича эрта тонгда етиб келди. Ғўзалар деҳқон меҳридан баҳра олиб яшнаб, кун сайин кўкка бўй чўзяпти, куч йиғяпти. Бу пайкаллар аллақачон учинчи культивациядан чиқарилган. Энди механизаторлар ғўзаларга тўртинчи ишлов беришмоқда.

Шийпон ортидан моторнинг гуруллаган овози эшитилди. Кўп ўтмай культиватор тиркалган тракторнинг карта ичига бурилаётгани кўринди.

— Мана шу азаматларга балли! — дилидан ўтказди бригада бошлиғи Жўрақул Холматов. — Механизатор деҳқоннинг қўш қаноти деганлари ҳақ гап. Ғўза парваришида уларнинг роли бениҳоя катта. Тез-тез ёғиб турган ёмғир ва сел оқибатларида юз берган қатқалоқдан қутқариб ҳар бир туп ғўза атрофида парвона бўлганлар ҳам шулар.

Бригада бошлиғининг мулоҳазалари ўринли. Баҳор яхши келди деб бўлмайди. Ёзнинг дастлабки ойидаги ёғингарчилик-чи?! Худди деҳқон билан ўчакишгандек кун оралаб ёмғир ёғди, дўл тушди. Қатқалоқ бугун тугатилса, эртасига яна пайдо бўлди. Лекин деҳқонлар чекинишмади. Ҳар туп ғўзани кўз қорачиғидек авайлаб парваришладилар. Пахта далаларида чопиқ тракторлари юксак унумларда ишлатилди. Ишда сифатга алоҳида эътибор берилди. Натижа чакки бўлмади. Ғўзалар дуркун ўсиб, шоналай бошлади.

Тажрибали деҳқон билан эгат оралаймиз. У ҳар бир туп ғўзага меҳр билан қарайди. Гўё у ғўзалар билан тиллашаётгандай.

— Ҳали булар бамисоли ғўдак, ҳа, ғўдак. Чақалоқни парвариш қилгандек ҳар бирига алоҳида меҳр қўймогимиз, вояга етказмоғимиз даркор. Ғўза илдизи жойлашган қисмидан захни қочириб, ерни дам-бадам юмшатаётганимиз туфайли барқ уриб ўсишига эришяпмиз, — дейди бригада бошлиғи Жўрақул Холматов. — Ҳарорат етарли бўлмагани учун ғўзаларга турли касалликлар руҳу қилмоқда. Шуни ҳисобга олиб агроном, агроном энтимологлар билан ҳамкорликда иш тутяпмиз. Ана шундагина мўлжалланган ҳосилни олиш мумкин бу ғўзалардан.

Узоқдан енгил машина кўринди.

— Директор-ку, — деб қўйди бригадир.

Совхоз директори Тирков Каримов машина кабинасидан тушди-да, бизга пешвоз чиқди, самимий кўришгач, ғўзаларнинг ҳолатини кўздан кечира бошлади.

— Зараркунандалардан эҳтиёт қилинглар, — дея бригадирга юзланди.

— Худди шундай қиляпмиз,— деди бригада бошлиғи.

— Механизаторлар культивация даврида ғўза қатор ораларига нормал чуқурликда ишлов беришга эришсинлар. Иш сифатига алоҳида эътибор берилсин.

Директор далаларни кўздан кечиришда давом этди. Бу ердаги ишлардан кўнгли тўлгач, машинага ўтириб, қўшни бригада даласига йўл олдик. Машинада бораркан-ман, директор чигит ундириб олингунча совхознинг катталар-кичиги астойдил меҳнат қилганини, 14 борона, 7 та ратацион мотига юксак унумларда ишлатилганлигини айтди. Шу кунларда барча зарбдор 100 кунликда актив қатнашаётганини, ҳар бир туп ғўза деҳқон ардоғида эканини сўзлади.

Тўғри йўлдан кетаётган машина чапга бурилиб, шийпон ёнига келиб тўхтади. Шийпондан ўрта бўйли бир киши ёнимизга шахдам юриб кела бошлади.

— Илғор бригада бошлиқларидан Абдумуҳаммад Крутов шу киши бўладилар, — деб таништирди директор.

Биргаликда пайкал оралай бошладик. Ғўзаларнинг ўсиши чакки эмас. Директор экинни кўздан кечирар экан, унинг дил қувончи юзларида акс этарди. Ғўзалар шонага кира бошлабди. Ҳадемай улар гуллайди.

— Ўша ваъда — ваъдами? — сўради директор.

— Албатта. Гектарига 50 центнердан дедикми, сўзимиз устидан чиқамиз.

Шу тобда пайкалларда ғўзаларга ишлов бераётган пахтазор даргалари биз томон кела бошлашди. Улар моҳир механизаторлардан Михаил Ковешников, Сафар Менглиев ва Байрам Қиличевлар эди. Чопиқдан чиққан бўрсилдоқ тупроқдан аллақандай хушбўй ҳид анқирди. Ҳа, бригада далаларида меҳнат сурони авжида. Деҳқон меҳрига қонаётган ғўзалар кундан кунга яшнамоқда.

Оққўрғон районидаги «Оқ кўрғон» совхози пахтакорлари съездлар йилини зафарлар йилига айлантириш учун зарбдорчасига меҳнат қилмоқдалар. Улар она-Ватанга 12 минг 500 тонна «оқ олтин» армуғон этиш мажбуриятини олишган. Далаларда бўлганимизда иш юксак аҳдга яраша ташкил этилганлигига ишонч ҳосил қилдик.

**А. ФОЗИЛОВ,**
**Ю. ЗИЁДОВ.**

*«ЎН БЕШЛАР ТАШАББУСИ» АМАЛДА*

# БИЛИМ-МАҲОРАТ МАНБАИ

**1. МАЖБУРИЯТИНГИЗНИ ҚАНДАЙ БАЖАРЯПСИЗ!**
**2. ЭРИШАЁТГАН ЮТУҚЛАРИНГИЗ СИРИ НИМАДА!**
**3. КОРХОНАНГИЗДАГИ ИЗДОШЛАРИНГИЗ ҲАҚИДА ҲАМ СЎЗЛАБ БЕРСАНГИЗ!**

**«Совет Ўзбекистони» газетасининг саволларига бугун Тошкентдаги «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасининг токари Виктор Васильевич БОЧКОВ жавоб беради:**

1. Қирқ икки ёшдаман. Йигирма етти йиллик меҳнат фаолиятим бор. Қишлоқда туғилганман. Оилада олти бола эдик. Шунинг учун ўн беш ёшимда ота-онамга ёрдам беришга қарор қилдим. Пармаловчи ёрдамчиси бўлиб ишлашга бордим. Аммо ёшим етмаганлиги учун олишмади. Киномеханикка кўмаклашиб юрдим. Ўн олтига кирганимда пармаловчига ёрдамчи бўлдим. Кечки мактабда ўрта маълумот олгач, Бутуниттифоқ сиртқи станоксозлик техникумига кириб, уни ҳам битирдим. Нефть қазиш ва геология-қидирув асбоб-ускуналарини ремонт қилувчи устахонада аввал мастер, кейин эса мудир бўлиб ишладим. Мана ўн йилдирки, Тошкентда, «Подъёмник» бирлашмасидаман.

Бу йил бир беш йилликда икки беш йиллик шахсий топшириғини адо этиш мажбурияти билан чиқаётганимда ҳеч иккиланмадим. Очиғини айтганда, мен бунга тайёргарлик кўрган эдим. Чунки, ўнинчи беш йиллик бошидаёқ мен иккита дастгоҳнинг кўнглимга ёққан тартибда жойлаштиришни таклиф қилган ва ниятимга етган эдим. Ўша икки дастгоҳда ишлаб, бир беш йилликда ўн йиллик шахсий нормани уддалаш мумкин ёки мумкин эмаслигини синаб кўрдим. Афсуски, озгина муддат етмай қолди. Демак, ниласа бўлар экан, деган хулосага келдим. Ҳозир общий 170 норма-соат ўрнига 340 норма-соатдан ишлаб, 1981 йилнинг ноябри ҳисобига ишлаяпман.

2. Менимча ҳеч қандай сир йўқ. Ҳамма гап ихтиёримдаги иккита дастгоҳ — винт кесиш ва револьвер станокларнинг бир-бирига параллел қўйилганлигида. Улар бир томондан асбоблар солинадиган тумбочка ва пўлат деталлар сақланадиган стол-жавонлар билан туташтирилган. Дастгоҳларнинг бошқа томонидаги темир қуйма тиларида эса хом ашё — тайёрламалар туради. Мен мураккаб шаклдаги тайёрламани биринчи дастгоҳга қўйиб уни юргизиб юбораман. Кескич оҳисталик билан металл тайёрлама устидаги «ортиқча» қатламларни сидириб ташлай бошлайди. Бу пайтда бошқа дастгоҳга ўтиб ундан тайёр бўлган иккинчи детални оламан-да, янгисини қўяман. Хуллас, иккала машина ҳам тўхтовсиз ишлаб туради.

Биз кўприксимон ва осма кранларнинг зарур қисмлари учун деталлар ишлаб чиқарамиз. Ҳар бири қайта ишловда ўнлаб жараёндан ўтиши керак. Мен иш бошлашдан олдин уларнинг қайси бирини биринчи дастгоҳда, қайсинисини бошқасида қайта ишлаш самаралироқ эканлигини ҳисоблаб чиқаман. Шунда вақт ҳам, қиймматбаҳо металл ҳам тежалади.

3. Мен худди шу усулда ишлаш оғир эмаслигини, жуда кўплаб малакали токарлар қўлидан келишини яхши биламан. Бир беш йилликда ўн йиллик ва ундан ҳам кўпроқ нормани бажариш ташаббуси билан чиқар экаман, бошқаларни ҳам изимдан боришга даъват этганман. Шунқи қувончлиги, биргина мен ишлаётган участканинг ўзидан беш нафар токарь янги ташаббусга қўшилганликларини билдирдилар.

Баъзан менда, у дастгоҳдан бу дастгоҳга ўгирилишингиз қийин эмасми, деб сўраб қолишади. Қийин, аммо мумкин. Бугуни кунда социалистик жамиятимиз меҳнатга лаёқатли ҳар бир кишининг зарбдор меҳнат қилишидан манфаатдор.

Меҳнат фаолиятининг янада қизиқарли бўлаётганини ҳис этиш, касбинг ижодкорлик тусини олаётганини сезиш, ўзинг нималарга қодир эканлигингни намоён қилиш имконияти туғилганини билиш ҳар қандай тўсиқни бартараф этишга чорлайди.

## ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

26 июнь куни Кремлда Ливия Социалистик халқ араб жамоҳирияси революцион раҳбарлигининг аъзоси Абдил Салом Желлуд шарафига Совет ҳукумати номидан нонушта зиёфат берилди.

Дўстона вазиятда ўтган зиёфатда Н. А. Тихонов билан А. С. Желлуд қадаҳ кўтариб, нутқ сўзладилар.

Шу куниёқ Совет-Ливия музокаралари бошланди. Ҳар икки мамлакат ўртасида иқтисодий муносабатларни янада ривожлантиришга доир кўпгина масалалар кўриб чиқилади.

**(ТАСС).**

## САНОАТЧИЛАР ЗАФАРИ

**Самарқанд областидаги саноат корхоналарининг коллективлари ўн биринчи беш йиллигининг биринчи йили топшириқлари ва мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун ўтказилаётган социалистик мусобақани кенг авж олдириб, буюмларнинг кўпчилик турларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ярим йиллик планини муддатидан илгари — 26 июнь куни бажардилар.**

**Ой охиригача пландан ташқари 18 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади.**

**(ЎзТАГ).**

## Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

### ЎРТОҚ Г. М. ОРЛОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРда ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Партия, совет ва комсомол органларида кўп йиллар самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Георгий Михайлович **Орловга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими»** фахрий унвони берилсин.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси**
**И. УСМОНХЎЖАЕВ.**

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари**
**Г. ҲАЙДАРОВА.**

Тошкент шаҳри
1981 йил, 26 июнь.

# Тинчлик байроқдори

**Ўртоқ Л. И. Брежневнинг СССР Олий Совети сессиясида сўзлаган нутқи, Олий Советнинг жаҳон парламентларига ва халқларига Мурожаатномаси тинчлик тақдири ва инсониятнинг келажаги тўғрисидаги чуқур ғамхўрлик руҳи билан суғорилганлиги учун ҳам жаҳон жамоатчилиги ва матбуоти уларни кенг миқёсда қўллаб-қувватламоқдалар. Оммавий ахборот органлари, таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари, парламент аъзолари шуни таъкидламоқдаларки, Совет Иттифоқи тинчликка бўлган муттасил иродасини яна бир бор тасдиқлади, тинчликни таъминлаш эса Совет давлати ташқи сиёсатининг олий мақсади бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва шундай бўлиб қолаверади.**

СССР — бизнинг саммий дўстимиз, барча халқларнинг дўстидир, деди расмий дўстлик визити билан ЧССРга борган АДР партия-ҳукумат делегациясининг бошлиғи — АХДП Марказий Комитетининг Бош секретари, АДР Революцион Кенгаши Президиумининг Раиси Бабрак Кармал. Л. И. Брежневнинг нутқини, СССР Олий Советининг Мурожаатномасини холис ниятли барча кишилар астойдил маъқулламоқдалар. Бунинг сабаби ҳам равшан: бу муҳим ҳужжатлар инсонпарварлик руҳи билан, уруш фалокатининг олдини олиш муддаоси руҳи билан суғорилган. Жаҳон Совет Иттифоқи чинакам тинчликсеварлиги, унинг тинчликни сақлаб қолишга ва халқлар ўртасида ҳамжиҳатликка эришишга сабот билан астойдил интилаётганини исботловчи яна бир далилнинг шоҳиди бўлди.

Леонид Брежневнинг, СССР Олий Советининг ҳарбий авантюралар ишқибозлари йўлини тўсиш, одамларнинг яшашдан иборат муқаддас ҳуқуқини таъминлаш учун ҳозир, шу бугунок ҳамма ишни қилиш тўғрисидаги оташин даъватини тинчликсевар кучлар қўллаб-қувватламай қола олмайдилар, деди Панама халқ вакиллари миллий ассамблеясининг Бош секретари **Карлос Кальсадилья.** Лотин Америкаси халқлари Америка империализми бошлаган қуролланиш пойгасидан жуда ташвишланмоқдалар ва бу пойга инсониятнинг келажаги учун жиддий хавф солади, деб ҳисоблайдилар. СССР эса барча халқларга ўзининг тинчликни қаттиқ туриб ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлашга астойдил интилаётганини яна намойиш этди.

СССР Олий Советининг Мурожаатномаси инсониятнинг ҳаётий манфаатларига мос бўлиб тушади — айни шу боисдан ҳам у тинчликни қадрловчи барча кишиларнинг эътиборини ўзига тортди, деб ёзади Бангладешда чиқадиган **«Нотун Бангла»** газетаси. Кескинликни кучайтираётган, дўқ-пўписа тилини ишга солаётган урушқоқ империализм тинчликни тобора кўпроқ таҳлика остида қолдираётганини Совет Иттифоқи очиқ-равшан уқтириб ўтди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Брежневнинг уруш хавфини тугатиш учун зўр куч-ғайрат сарфлашга қилган даъвати ҳар қачонгидан ҳам муҳим ва актуалдир, деди Япония парламентининг депутати **Масаси Исибаси.** Ҳозир дунё ҳаддан ташқари хатарли даврни бошдан кечирмоқда. Халқаро кескинлик кучаймоқда, ядро уруши хавфи ошмоқда. Воқеаларнинг хатарли тарзда ривожланишини тўхтатиб қўйиш учун ҳамма ишни қилиш зарур!

Совет раҳбарининг СССР Олий Совети сессиясидаги нутқи — Совет Иттифоқининг ғарб билан музокаралар ўтказишга, турли социал тузумдаги мамлакатлар ўртасида ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик йўлларини қидиришга тайёр эканини яна бир бор яққол намойиш қилади, деб ёзади Америкада чиқадиган **«Дейли уорлд»** газетаси. СССРнинг сиёсати Вашингтон расмий доираларининг урушқоқлик баёнотларига мутлақо зид эканлиги равшан кўриниб турибди Вашингтоннинг расмий доиралари қуролланиш пойгасини муттасил давом эттириш ва халқаро кескинликни кучайтириш йўлидан бормоқдалар, антисоветизмни авж олдирмоқдалар, инсониятни ядро уруши гирдобига судрамоқдалар.

Югославия СССР Олий Советининг жаҳон парламентларига ва халқларига Мурожаатномасини тўла-тўкис қўллаб-қувватлайди, деди ЮКС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси **Милош Миния** Белграддаги матбуот конференциясида. Мурожаатнома, деб таъкидлади у, Совет Иттифоқининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездида ўртага қўйган тинчлик ташаббусларини тўлдирувчи яна бир қадамдир.

Леонид Ильич Брежневнинг нутқида очиқ-ойдин кўрсатиб берилганидек, ҳозир нозоли проблемаларни, ҳатто улар энг кескин ва мураккаб проблемалар бўлса ҳам, музокаралар йўли билан ҳал этишдан бошқа оқилона усул йўқ, деб ёзади Братиславада чиқадиган **«Правда»** газетаси.

Венгриядаги **«Непсабадшаг»** газетаси жаҳон парламентларига ва халқларига Мурожаатномани тарихий ҳужжат, деб атамоқда. Империалист доираларнинг кирдикорлари инсониятни уруш фалокати гирдобига судраётган бир пайтда Совет Иттифоқи масъулият туйғуси кўрсатишга даъват этиб, яна халқаро майдонда чинакам тинчлик байроқдори бўлиб чиқаётганини тасдиқламоқда.

**(ТАСС).**

# ОЛТИН ТОҒЛАР ЖАМОЛИ

Воҳид ЗОҲИДОВ,
Узбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги

ПУБЛИЦИСТИКА

Кунк кеча республикамиздаги тошкин азобини чеккан колхозлардан бирига борган эдим. Ҳам қишинчиликларни эшитиб, ҳам уларни бартараф қилишда меҳнат аҳлининг қатор-қатор бошқа ғоят муҳим соҳаларининг тақдири шу пахтага ҳам боғлиқ, миллардлаб дон берадиган, минг-минг вагонлаб кўмир қазийдиган, сонсиз-саноқсиз яқлли машиналар чиқарадиган дўстларимиз олдида юзимизни ёруғ қиладиган бойлик ҳам шу пахтадир!..

Ниҳоят, учинчи сабаб — омил. У, ҳозирги ўта мураккаб ва масъулиятли халқаро аҳвол билан боғлиқ.

Кўзинга қон тўлган, қамчисидан қон томаётган очкўз ҳамда истилочи империалистлар тескаричиликнинг, машъумликнинг учигга чиқиб, бутун башарият тинчлигини поймол этмоқчи, асрлар мобайнида сонсиз қурбонлар бериб, беҳисоб азоб-уқубатлар натижасида яратилган бебаҳо олам-олам маданий бойликларни, умумбашарий цивилизацияни кулга айлантирмоқчи, барбод қилмоқчи, бадавлилик билан алмаштирмоқчилар. Асосий даҳшат бундагина эмас. Америка монополистлари ва мустамлакачилари бошда турган империализм бутун инсоннят тақдирига таҳдид солмоқда, бутун инсоннят ҳаётини ажал хавфи остида қолдирмоқда. Шу мақсадда ҳар бир соатда бир миллион доллар сарф қилмоқда, кўз юмиб очгунча минг-минг одамларни, ҳатто миллионларни қуйдириб юборадиган ва бутуб ташлайдиган янги-янги қирғин қуроллари ни ратмоқда, дунёнинг қай ерида имконият топса қонли ирғо ва террор оловини ёқмоқда.

Ҳа, халқларнинг куч-ғайрати, қатъияти беҳад катта қудратга эга, ҳар қандай хавф-хатарнинг олдини олишга ва халқларнинг осойишталигига чангал ташловчиларни жиловлашга қодир. Ўзбек халқи ҳам, шубҳасиз, шундай халқлардан биридир. Ўзбекистон меҳнаткашларининг қаршисида шу муносабат ила жуда катта вазифалар турибди. Шуларнинг энг асосийларидан, ҳал қилувчи роль ўйнайдиганларидан бири мўл-кўл пахта учун курашдир, кузга келиб тинчлик ва ҳаёт фондига жуда зарур бўлган тоғ-тоғ ҳосил беришдир.

Шуниси ҳам бор. Гап эртанги кун ҳақидагина, эртанги хавфга йўл қўймаслик борасидагина, тириклар ҳаёти устидагина кетаётгани йўқ. Мазкур сатрларни ёзарканман, немис фашизми билан урушда ҳалок бўлган йигирма миллион фидойиларимиз кўз ўнгимда гавдаланаётгандай бўлди.

Тинчлик учун жуда кўп пахта ҳам керак, азиз деҳқоним!

Ҳа, ҳозирги илм ва техника ниҳоятда ривожланган шароитда империализмнинг ҳаддан ортиқ қутурганлиги оқибатида уруш деган нарса ҳар бир мамлакатнинг ҳам шахсий иши бўлмай қолди. Бир ерда қўтарилган уруш олови тезда бошқа ерларга ҳам ёйилиб кетиши мумкин бўлиб қолди, бинобарин, бутун башарият тақдири билан боғлиқ бўлиб қолди. Демак, ниҳоят даражада эҳтиёт бўлмоқ лозим, олов ёнмаслиги ва ёйилмаслиги чорасини кўриш ҳамма халқлар учун энг асосий ҳаётмамот масаласи бўлиб қолди. Шу чексиз улкан ва муқаддас тинчликсеварлик ҳамда инсонпарварлик ишда, яна такроран айтаман, пахтамизнинг роли беҳад катта. Демак, бу бойлигимиз ҳам халқаро, умумбашарий аҳамиятга эгадир.

Мана, нақадар буюк маъноли дир «оқ олтин» деб ардоқлаганимиз, нақадар улуғ зотдир уни яратган азиз пахлавон пахтакоримиз!

Бўйи деҳқонларимиз яхши тушунишади, шу нарса уларга илҳом бахш этади, қанот беради. Зеҳнят ҳар жиҳатдан жиддий ва вазифалар ҳам ғоят улкан эканлигини етарли даражада актив ҳисобга олиб белни қатиқ боғлашга, енг шимариб ишга жадал киришишга ҳаммани даъват этамиз! Бутун халқ шундай демоқда, шунга ундамоқда партиямиз шуни талаб қилмоқда, замонамиз шуни бутун кескинлиги ила тақозо қилмоқда.

Мана яна ўша мен борган колхоз, унинг катта ва ҳашаматли клуби. Жуда кўп одам йиғилган. Бу хўжаликда жорий қилинган энг яхши одатлардан бири шундан иборатки, мазкур клубда қандай йиғилиш, маросим бўлмасин, энг олдинги қаторларга қариялар ўтқазилар экан... Ҳозирги йиғилишнинг энг қизиғи шундан бир ажойиб мўйсафид сўзлаш учун ижозат сўраб, саҳнага аста кўтарилди, минбарга бормай, президиум ўтирган узун столнинг бир чеккасида турибди, аввал сезгин, аммо ҳамлага тайёрланаётгандай гапира бошлади. Тўлқинланиши борган сари ортаверди. У жуда келишган гавдали, бақувват бўлиб, ўз вақтида мазкур миллионер колхознинг тамал тошини қўйганлардан, тараққиётига ҳам қаваслапарли ҳисса қўшиб келаётганлардан, шу маънода шу ката даргоҳда янги тарих ярата бошлаган азаматлардан экан. Уни ҳамма «отахон» деб атар ва эъзозлар экан. У сўзида давом қилиб, нутқининг кульминациясига кўтарилгандай бўлди ва деди:

— Ўртоқлар! Гоҳо айрим кишилар ёмон об-ҳаво ҳақида, табиат офатлари борасида қўрқиқандай, шубҳаларга берилгандай ва шундай қилиб, улар олдида бироз бўлса-да, орқага тисарилгандай бўлиб гапирмоқдалар. Йўқ, ўртоқлар, бу жуда ўринсиз ва зарарли бўлиб, эр иши ва мардлар кайфияти эмас. Ахир, йиллар мобайнида қандай бебош баҳорларнинг андуҳларини, куз азобларини, камсувлик ва саратон алангаларини енгмадик, ҳа, қанчадан-қанча табиат қийинчиликларини бошдан кечириб, ирода ҳамда истагимизга тобеъ қилиб, катта галабаларга эришмадик. Бу гал ҳам шундай бўлади. Пахта ўзимиз учун ҳам, дўстларимиз учун ҳам, ер юзидаги ҳамма халқлар тинчлиги ва ҳаёти учун ҳам жуда керак, сувдай, ҳаводай керак, азизларим!

Отахон шу сўзларни ҳаяжонга тўлган ҳолда айтдида, пешона терини рўмолча билан артиб, бироз нафас ростлаган бўлди ва босиқ оҳангда, ҳар бир жумлага алоҳида урғу берган тарзда деди:

— Хусусан ҳозирги долзарб, ҳосил тақдири ҳал бўлаётган жуда иссиқ кунларда актив бўлмоқ лозим. Ёўза ҳам бир томондан ёш болага ўхшайди, тўхтовсиз эътибор ва ғамхўрликни талаб қилади. Қанчалик яхши тарбия қилсанг, келажакда шунчалик яхши вояга етади ва охирида баланд саҳоватли ҳамда мўл ҳосилли бўлади. Яна айтаман, маҳкам бел боғланг! Унутманг, айниқса, ўртоқ Брежневнинг халқаро аҳвол йиртқич империалистлар айби билан жиддий кескинлашиб қолгани ва уларнинг ер юзида тинчлик ҳамда ҳаётга улкан хавф туғдираётганликлари тўғрисидаги жуда ўйлатиб қўядиган сўзларини, балоннинг олдини олиш учун катта меҳнат зарурлиги тўғрисидаги чақириқларини!

Отахоннинг нутқи шу қадар таъсирли бўлдики, туганидан кейин зал бир он сув қуйгандай жим қолди, сўнгра шундай гулдурос қарсаклар бошландики...

Мен мазкур мажлисда хаёлга толган ҳолда ўлтириб, нотиқларни диққат ила тинглаб, залдагиларнинг юз ифодаларига чуқур назар ташлаб, яна бир бор ҳайратландим, севиндим, деҳқонларимизнинг онги қанчалик равнақ топиб кетганлигидан. Айниқса, баҳодир отахон азамат халқимизнинг, мард пахтакорларимизнинг бир шахс сифатиқ сиймосидаги мужассами бўлиб кўринди. Бундай халқ тоғни урса талқон қилади, ваъдасига вафодор. У ёз даласини яхши тўйдиради, кузни қувониб кутиб олади ва қувониб кузатади ҳам, ҳозироқ ўша пайтлардаги олтин тоғлар кўзга кўринаётгандай ва карнай садолари қулоққа эшитилаётгандай...

Ҳа, биз лафзи ҳалол халқимизга, бинобарин, келажагимизга ишонамиз, ўша тоғтоғ олтин пахталар ҳозироқ кўзга кўринмоқда, ўша катта байрам тантаналари хаёлда намоён бўлмоқда, карнай наъралари ҳам эшитилмоқда...

# ПАРТИЯ АХБОРОТИ

## НАМУНАЛИ ШАҲАР УЧУН

«Қаршини коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантирамиз!» — Қашқадарё область партия ташкилотлари ана шу шиор остида қизғин ташкилотчилик ишларини кучайтириб юбордилар. Яқинда область партия комитетининг бюросида бу борада олиб борилаётган ишлар чуқур таҳлил қилиб чиқилди, область марказини намунали шаҳарга айлантиришга ҳалақит бераётган камчиликларни бартараф этиш йўллари белгилаб олинди.

Қарши шаҳрининг меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди қарорларини муваффақиятли бажариш, ўн биринчи беш йилликни зарбдор меҳнат билан нишонлаш учун мусобақада фаол қатнашмоқдалар. Бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш учун ҳаракат тобора кенг қулоч ёймоқда.

Шаҳарни ободонлаштириш ва қўкаламзорлаштириш бўйича катта тадбирлар амалга оширилмоқда. Социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш, жамоат тартибини муҳофаза қилишда ишлаб чиқариш коллективларининг ролини ошириш чоралари кўрилмоқда. Бунда корхона ва ташкилотларда иш олиб бораётган профилактика кенгашлари роли ошиб бораётир. Тикувчилик фабрикаси, ёғ-экстракция ва авторемонт заводлари, давлат педагогика институти синфари бир қатор корхона ва муассасаларнинг партия ҳамда жамоат ташкилотлари бу борада муайян тажриба орттирдилар.

Аҳоли турар жойларида тарбиявий иш самарадорлиги оширилмоқда. Корхона ва ташкилотларнинг меҳнат коллективлари микроучасткаларда сиёсий-тарбиявий ишларни йўлга қўйишда фаол қатнашаётирлар.

Область партия комитети Қаршини намунали шаҳарга айлантириш йўлидаги дастлабки қадамлар ўз самарасини бераётганлигини кўрсатиб ўтди. Айни пайтда шаҳар партия комитетига ана шу муҳим ишнинг айрим қолоқ участкаларига эътиборни яна ҳам кучайтириш, ишчи ва хизматчиларни, барча меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, социалистик мусобақага раҳбарликни такомиллаштириш, корхона, ташкилот ва муассасаларда ишни намунали йўлга қўйиш учун курашда меҳнаткашларнинг ижодий активлиги ва ишчанлигини кучайтириш топширилди.

## ЧОРВАЧИЛИК — ЗАРБДОР ФРОНТ

Самарқанд область партия комитети чорвачиликни ривожлантириш бўйича белгиланган тадбирларнинг ижросини ўрганиб чиқди. Қабул қилинган қарорда сўнгги йилларда область колхозлари, совхозлари ва хўжаликлараро корхоналарида қорамолларнинг бош сони кўпайгани, уларнинг зоти яхшилангани, маҳсулдорлиги ошганлиги таъкидлаб ўтилди. Ҳар бир сигирдан согиб олинаётган сут 111 килограммга, гўштга топширилаётган қорамолнинг вазни 23 килограммга ошиши таъминланди. Ҳозирда чорвачиликни марказлаштириш ва ихтисослаштириш, бу муҳим тармоқни саноат асосига кўчириш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда.

Область партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, совет ва хўжалик органлари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Ўзбекистон ССРда чорвачиликни жадал усулда ривожлантириш тадбирлари тўғрисидаги қарори ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIV пленуми шу масала юзасидан қабул қилган қарорни изчил амалга ошириш чораларини кўрмоқдалар. Оқдарё, Нурота ва Самарқанд районларининг чорвадорлари айниқса яхши натижаларга эришдилар.

Область партия комитетининг бюроси чорвачиликни ривожлантиришдаги камчиликларни муфассал кўрсатиб берди, район партия комитетлари, совет, хўжалик органлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, бошланғич партия ташкилотларига бу камчиликларни тезроқ бартараф этиш учун амалий чоралар кўришни, КПСС XXVI съезди қарорлари асосида яқин йилларда барча пахтакор хўжаликларда ҳар юз гектар суғориладиган ер ҳисобига 120—150 центнер гўшт ва 400—450 центнер сут етиштиришга эришишни топширди.

УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИГА КЕНГ ЭЪТИБОР

# Комбинат иш бошлади

Тўрт ойдирки, Самарқанддаги янги уйсозлик комбинати маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Корхонани тиклашда ўнга яқин коллектив иштирок этди. Дастлаб корхона қурилишига «Самарқандхимстрой» трестига қарашли 2-қурилиш-монтаж бошқармаси бош пудратчилик қилди. Кейинчалик бу вазифани «Самарқандградастрой» трестининг 173-кўчма механизациялашган колоннаси ўз зиммасига олди.

Барча ёрдамчи пудратчи ташкилотлар ўз вазифаларини сидқидилдан бажариш «Сантехгазмонтаж», «Узэлектромонтаж», «Стальмонтаж», «Промвентиляция», «Стройтермоизоляция», «Узэлектроналадка» бошқармалари коллективларининг кучи билан қисқа вақт ичида лойиҳадаги 9 миллион 993 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари муваффақиятли уддаланди.

Комбинат келажакда республикамиздаги йирик корхоналардан бири бўлиб қолади. У асосан 148-сериядаги 9 ва 12 қаватли замонавий уй-жойлар қуриш учун темир-бетон панелли уйлар тайёрлайди. Тўла қувват билан ишлай бошлагач, йилига 128 минг квадрат метр маҳсулот етказиб бериш имконига эга бўлади. Бу, пешмапеш тўққиз қаватли 14 та замонавий уй-жой тикланади ёки самарқандликлар ҳар йили 1692 та замонавий квартира олишга эришади, демакдир.

Комбинат маҳсулотлари билан барпо қилинган иморатлар эски типда қурилган иморатлардан кескин фарқ қилади. Хоналарнинг баландлигида, овоз изоляциясида, деворлар қалиндигида катта афзалликлар бўлади. Шунингдек, кириш зали, ошхона, ванна, кенг айвонлар назарда тутилган, ёрдамчи хоналар қурилади.

Комбинатнинг 708 кишилик аҳил коллективи айни кунларда шаҳар аҳлини кўплаб янги уй-жойлар билан таъминлаш ниятида ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Корхона конвейер линияси ўзининг бутун характери, моҳият эътибори билан меҳнат унумдорлиги, сифат, самарадорлик ҳамда миқдор кўрсаткичларини мунтазам ошириб боришга мослашган. Линия охирги нуқтагача ўнта ишлаб чиқариш постидан иборат. Уларнинг ҳар бирида турли хил жараёнлар амалга оширилади. Чунончи, қолиплар тозаланади, мойланади, бетон қуйилади. Биринчи линияда 148-серияли уйларнинг қопламалари тайёрланади. Иккинчи линияда ички деворлар, учинчисида ташқи деворлар ва қаватлар ишлаб чиқарилади.

Бетон қоришириш цехи корхонанинг юраги ҳисобланади. Цех коллективи ишлаб чиқариш технологияси бир маромда давом этишини таъминлаб туради. Арматура цехи конвейерга сим тўрлар, қолиплар етказиб беради. Ингув цехи катта ҳажмли қолипларга йўлланма бериб, уларни қуюв цехи томон узатади. Катта ҳажмли блоклар цехи ҳам корхона ишлаб чиқаришида муҳим аҳамиятга эга. Цех лифт шахталари, вентиляция блоклари тайёрлайди. Бу мураккаб жараёнларнинг ҳаммаси комбинат диспетчерлик пунктида доимий назоратда бўлади.

— Леонид Ильич Брежнев КПСС XXVI съездидаги докладида уй-жой қурилиши бўйича беш йилликда катта қўламда олиб борилгани, унинг ҳажми мамлакат бўйича бундан кейин ҳам сақланиб қолишини алоҳида таъкидлади, — дейди корхона директори Я. Гербов, — Бунинг моҳиятини чуқур тушунган шаҳар уйсозлари шу йилнинг ўзидаёқ комбинат лойиҳа қувватининг камида 60 процентини ўзлаштиришга аҳд қилишди. Айни кунларда улар ана шу аҳд йўлида астойдил тер тўкиб, катта меҳнат муваффақиятларига эришмоқдалар. Буни Шариф Жўраев, Шомил Дибердиев, Сергей Максимов, Шокир Мурсукаев, Владимир Лавгин, Виталий Тингаев сингари ўнлаб уйсозлар қўлга киритаётган ютуқларда яққол кўриб турибмиз.

А. ДИЛМУРОДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

# ДЎСТЛИК ВА БИРЛИК ВАЗИЯТИДА

26 июнь куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико Вьетнам Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Вьетнам Социалистик Республикаси ташқи ишлар министри Нгуен Ко Тхать билан учрашди.

Бўлиб ўтган суҳбат давомида Совет-Вьетнам муносабатларини янада ривожлантириш масалалари, шунингдек иккала томонни қизиқтирувчи баъзи актуал халқаро проблемалар муҳокама қилинди.

Министрлар СССР билан БСР ўртасидаги ҳар томонлама алоқалар дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Совет-Вьетнам шартномаси асосида мустаҳкамланиб ва кенгайиб бораётганидан чуқур мамнуният изҳор этдилар, томонларнинг социалистик ҳамдўстлик бирлиги ва жипслигини марксизм-ленинизм ва социалистик интернационализм принципари асосида бундан буён ҳам мустаҳкамлашга қаттиқ аҳд қилганликларини таъкидлаб ўтдилар. Икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш учун Совет ва Вьетнам раҳбарларининг мунтазам учрашувлари муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Шу муносабат билан Л. И. Брежневнинг КПСС XXVI съездига келган ВКП делегацияси бошлиғи Ле Зуан билан бўлиб ўтган учрашувининг самаралн натижалари яна ўқтириб ўтилди.

Нгуен Ко Тхать ВКП ва БСР раҳбарлари, бутун Вьетнам халқи КПСС XXVI съезди минбаридан эълон қилинган 80-йиллар учун конкрет Тинчлик программасини тўла-тўкис қўллаб-қувватлаётганликларини яна бир карра изҳор этди. Л. И. Брежневнинг СССР Олий Совети сессиясидаги нутқида ҳамда сессияда қабул қилинган «Жаҳон парламентларига ва халқларига Мурожаатнома»да Совет давлати тинчликсевар ташқи сиёсат йўлининг ўзгармаслиги яна бир бор ишонарли тарзда тасдиқланди.

Иккала томон ишонч билдириб айтдиларки, программада баён этилган таклифларнинг рўёбга чиқарилиши халқаро вазиятни соғломлаштириш, кескинликни юмшатиш йўлидаги, қуролсизланиш ва барча қитъаларда ги мамлакатларнинг ҳамкорлигини ривожлантириш йўлидаги курашни кучайтириш учун йўл очган бўлур эди. Улар Узоқ Шарқдаги ишонч тадбирлари хусусида КПСС XXVI съездида ўртага қўйилган таклифнинг аҳамиятини таъкидлаб ўтдилар, бу таклифнинг рўёбга чиқарилиши Осиёдаги вазиятни соғломлаштириш мақсадларига мос бўлиб тушар эди. Шу муносабат билан томонлар Монголия Халқ Республикасининг Осиё ва Тинч океан давлатлари ўртасида ўзаро ҳужум қилмаслик ва муносабатларда куч ишлатмаслик тўғрисида конвенция имзолаш хусусидаги ташаббусини мамнуният билан қабул қилдилар.

А. А. Громико ўз интернационал бурчига содиқ бўлган совет кишилари бундан буён ҳам Вьетнам халқи тарафида қаттиқ турав ерадилар, янги турмуш қуришда, ўз ватанининг мустақиллигини ва суверенитетини ҳимоя қилишда унга зарур бўлган ёрдамни бераверадилар, деб айтди.

Халқаро проблемалар юзасидан фикрлашув чоғида министрлар Америка маъмуриятининг Пекин раҳбарлари актив кўмаги билан ўтказаётган кескинликни кучайтириш, кескинликни юмшатишни қўпориш ва «совуқ уруш» пайтларига қайтиш йўлини иккала мамлакат номидан қораладилар.

Жануби-Шарқий Осиёдаги вазиятни муҳокама қилиш вақтида иккала томон АСЕАН мамлакатларини ҳам Ҳинди-Хитой давлатларига қарши муҳолифликка ундаётган Вашингтон билан Хитой раҳбарларининг сиёсати бу райондаги мавжуд кескинликнинг бош сабабчиси эканини қайд этди. Кампучиялик муҳожирлар гуруҳларидан иборат «бирлашган фронт»ни ташкил ўйлидаги, шунингдек Кампучияга бағишланган халқаро конференция деб аталган йиғин чақириш йўлидаги найранглар айни мана шундан далолат бериб турибди. Янги ишкаллиларни қалаштириб ташлаш эмас, балки Ҳинди-Хитой мамлакатлари билан АСЕАНга аъзо бўлган давлатлар ўртасида музокаралар бошлаш — Жануби-Шарқий Осиёдаги аҳволни нормаллаштириш ва истиқболда бу регионда тинчлик зонасини вужудга келтириш йўлидир. Шу муносабат билан СССР Вьетнам, Лаос ва Кампучиянинг ўз қўшнилари билан иноқликда яшаш муддаосини қўллаб-қувватлаётганини, Ҳинди-Хитойдаги уч давлат ташқи ишлар министрларининг Пномпендаги июнь конференцияси таклифларини шу мамлакатларнинг Жануби-Шарқий Осиёдаги вазиятни соғломлаштириш масалаларига холис ниятлар ва амалий ёндашувини тасдиқловчи янги далил деб билдиётганини Совет томони таъкидлаб ўтди. (ТАСС).

ҚҚАССР. Эллиққалъа районидаги «Октябрь 60 йиллиги» совхози чўлқуварлари бу йил 110 гектар майдон ўзлаштиришни мўлжаллашмоқда. Хўжаликда ер текислайдиган отряд тузилган бўлиб, унинг ишкёрида 15 трактор бор. Хўжалик аъзоларининг кўпчилиги ёшлар. Улар Совет ёшлари кунини муносиб кутиб олдилар. Суратларда: илғор тракторчи С. Жуманиёзов ва ер текислаш пайти.

А. Қаюмов фотолари.



ФАН — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

# МАТОЛАРГА КЎЧГАН МУЛОҚОТ

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти химия кафедраси олимлари Намангандаги Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли шойи газламалар комбинати билан ижодий ҳамкорлик қилаётганликларига анча бўлди. Кейинги йилларда пахта-лавсан ҳамда вискоза-лавсан толаларидан ишланган газламаларни кимёвий пардозлашда мукаммал технологик усулни яратиш борасида илмий изланишлар олиб борилди. Тажрибалар шуни кўрсатдики, бу йўл билан пардозланган буюмларнинг пишиқ-пухта бўлиши пардозлаш жараёнида ишлатилган катализаторнинг кимёвий хоссаларига боғлиқ экан. Шу сабаб институтнинг химия кафедраси мудири, профессор Ю. Тошпўлатов бошчилигидаги олимлар матоларга кимёвий пардоз беришни мукаммаллаштиришни янги, арзон катализатор излашдан бошлашди.

Саноатда газламаларни пардозлашда катализатор сифатида магний хлорид, аммоний хлорид каби тузлар ишлатилади. Бироқ улар камчиликдан ҳоли эмас. Айниқса, пардоз бериш жараёнида катализатор газламага салбий таъсир кўрсатиб, унинг пишиқлигини камайтириб юборади. Шу боис қатор катализаторлар синтез қилиниб лабораторияларда газламаларга пардоз беришда синаб кўрилди. Уларнинг биттаси кутилганидан ҳам ортиқроқ натижа берди. Лаборатория шароитида газламаларга кимёвий пардоз беришнинг янги, мукаммал технологик усули шу йўсинда яратилди. Сўнг у Тошкент тўқимачилик комбинатининг пардозлаш фабрикасида синовдан ўтди. Олинган натижалар лаборатория хулосаларини тасдиқлади. 1978 йилдан бошлаб Тошкент тўқимачилик комбинатида газламаларга пардоз бериш янги усулга тўла кўчирилди.

Тажрибалар бу билан тўхтаб қолмади. Янги катализатор пахта-лавсан, вискоза-лавсан толалари ҳамда тоза вискоза толалардан тўқилган газламаларга пардоз беришда ҳам синаб кўрилди. Ўтган йилнинг бошидан бошлаб бу янги усул Намангандаги Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли шойи газламалар комбинатида кенг жорий қилинди. Шу йилнинг ўзидаёқ янги усул билан пардозланган газламалар 7 миллион 800 минг метрга етди. Мутахассисларнинг фикрича, бу усул билан ҳар миллион метр газлама ишлаб чиқаришда Тошкент тўқимачилик комбинати икки минг сўм, Наманган шойи газламалар комбинати эса олти минг сўм тежаб қолади. Қилинган ишлар амалиётга татбиқ этишда фан билан ишлаб чиқариш, олим билан корхона мутахассислари ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ижодий ҳамкорлик натижасида маҳсулот сифати кўтарилди, меҳнат унумдорлиги ортади, Буни Намангандаги Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли шойи газламалар комбинати мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Янги ускуналарни ўзлаштириб харидорбоп газламалар тайёрлашда фаннинг бизга кўрсатаётган кўмаги катта, — дейди комбинат бош инженери Ҳ. Абдурахимов. — Ижодий ҳамкорлик натижасида юзага келган энг сўнгги янгилик матоларни пардозлашда қўлланиладиган НИК катализаторидир. Бу катализатор бир тонна материални пардозлашга кетадиган ноёб қормоболдан 20 килограмм тежаш имконини берди. Шу йўсинда пардозланган материаллар миқдори 7,6 миллион метрдан ошди. Янгиликни қўллашнинг яна бир афзаллиги шундаки, ҳавода газларнинг кўпайиб кетишига сабаб бўлган аввалги кукунсимон катализатор ўрнига эндиликда пардозловчи эритмага ёпиқ идишларда аралаштириладиган катализатор, суюқ модда қўлланилмоқда. Натижада цех ҳавоси маълум даражада тозаланиб, катализаторни эритишга кетадиган вақт кескин қисқарди.

Кейинги йилларда корхонанинг бўёқ пардозлаш фабрикасида техник жиҳатдан катта ишларнинг амалга оширилганлиги, унумдорлиги пасайган эски жиҳозлар ўрнига беш юздан ортиқ янги, замонавий ускуналар ўрнатилганлиги ўн биринчи беш йиллик олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли амалга оширишга замин яратиши шубҳасиз.

М. УБАЙДУЛЛАЕВА,
УзНИИНТИнинг илмий ходими.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

# «ҚАРОВСИЗ КОМБАЙНЛАР»

Газетамизнинг шу йил 26 май сонида босилган юқоридаги сарлавҳали мақолада, жумладан, шундай дейилади: «Қўшма рейд бригадаси аъзоларн областдаги ўрим-йиғим техникасининг аҳволи ва ремонт сифати билан пахта танишиб чиқдилар. Кўпгина хўжаликларда машина-механизмларни сақлаш, ремонт қилиш ва мавсумга ҳозирлик намунали йўлга қўйилган. Лекин, умуман олганда, кўпгина районларда аҳвол қониқарли эмас».

Ушбу мақола юзасидан Самарқанд область Совети ижроия комитети ва Советобод район партия комитети редакциямизга жавоблар йўллашган.

САМАРҚАНД ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ: мақола актуал ва ўз вақтида ёритилган. Мақолада кўрсатилган камчиликлар область Совети ижроия комитетининг навбатдаги мажлисида муҳокама қилинди. Унда хўжалик раҳбарлари ва райижроком раисларн иштирок этишди. Лиқ қора тадбирлар ишлаб чиқилди. Райижрокомлар ва хўжаликлар раҳбарларига кўрсатмалар берилди. «Каттақўрғон» совхози директори К. Эшпўлатов, «Улус» совхози директори И. Т. Бузик, «Жом» совхози директори П. Раҳмоновлар хўжасизлик ва масъулиятсизликка йўл қўйганликлари таъкидлаб ўтилди, «Каттақўрғон» совхози бош инженери Э. Малиқулов ва «Улус» совхози бош инженери М. Мардиевлар қаттиқ огоҳлантирилдилар.

Ремонтни сифатли ўтказиш, эҳтиёт қисмлар билан таъминлашда амалий ёрдам кўрсатиш юзасидан комиссия тузилди.

СОВЕТОБОД РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ: «Қаровсиз комбайнлар» сарлавҳали мақола совхозлар партия ташкилотлари секретарлари, директорлари, бош инженерлари, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси ҳамда район «Госкомсельхозтехника» бирлашмаси масъул ходимлари ва мутахассислари иштирокида ўтказилган район партия комитети бюросининг кенгайтирилган мажлисида муҳокама қилинди.

Район партия комитети бюроси совхозлар партия комитетларига мазкур мақолани мажлисларда муҳокама қилишни, ўрим-йиғим техникасини сифатсиз ремонт қилганларга нисбатан партиявий чора кўришни топширди.

Галла ўрим-йиғим ремонти устидан бўш назорат ўрнатгани учун ҳамда комбайнларни эҳтиёт қисмлар билан таъминлашда оператлиник кўрсатмагани учун район «Госкомсельхозтехника» бирлашмаси бошқарувчиси, КПСС аъзоси Х. Қаҳҳоровга виговор эълон қилинди.

Район партия комитети камчиликларни бартараф этиш юзасидан қатор тадбирлар ишлаб чиқди.

СССР ёзувчиларининг VII съезди олдидан

# ЯНГИ ТЎЛҚИНЛАР МАВЖИ

## ЎЗБЕК ДОСТОНЧИЛИГИ ҲАҚИДА ЎЙЛАР

Партиямизнинг тарихий XXVI съезди совет адабиёти ва санъатининг совет жамиятининг маънавий ҳаётида тутган ўрни ва ўйнаётган ролига жуда катта баҳо берди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўзининг ҳисобот докладида «Совет санъатида янги тўлқин мавж урмоқда. Кейинги йилларда айтарли ҳамма республикаларда кўплаб талантли асарлар юзага келди», деб таъкидлади ва бу қанотли сўзлар кўп миллатли совет адабиёти ва санъатига берилган юксак баҳо сифатида барча ижод аҳлини беҳад қувонтирди. Ана шу янги тўлқин мавжларни, янги талантли асарларни ўзбек совет адабиётининг ҳамма жанрларида ҳам кўришимиз мумкин.

«Замондошларимизнинг ёрқин образларини яратишда ижодий ҳодимлар шубҳасиз ютуқларга эришдилар, —деган эди Л. И. Брежнев ўз нутқида. Бу образлар одамларни ҳаяжонлантирмоқда, баҳсларга сабаб бўлмоқда, ҳозир ва келажак ҳақида ўйлаб кўришга ундамоқда. Партия энг яхши асарларга хос бўлган гражданлик пафосини, камчиликларга нисбатан муросасизликни, санъат жамиятимиз ҳаётига оид проблемаларни ҳал этишга фаол аралашаётганини таб-риклайди».

Мана шу снёсий ўткирликни, ижтимоий салмоқдорликни, ғоявий теранликни, революцион руҳни, қаҳрамонлик пафосн ва ўткир танқидий руҳни етмишинчи йиллар ўзбек поэмаларида ҳам яққол кўрамиз. Ҳозирги ўзбек поэмалари узоқ тарихий воқеаларга бағишланадими, тарихий-революцион мавзу ёки Улуғ Ватан уруши даври, ҳозирги ҳаётимиз ёки халқаро масалаларни таҳлил қиладими, барчасида юқоридаги фазилатлар етакчи тенденция бўлиб қолмоқда. Сўнгги кейинги йиллар **поэмачилигимизда ҳаётни, воқеликни ва инсонни эпик кенгликда тадқиқ этиш биринчи ўринга чиқди.** Эпик кўламлилик масаланинг йириклигида, мазмун чуқурлигида, фикр-ғоянинг ўткирлигида, қаҳрамонларнинг курраш жараёнида кўрсатилишида, воқеавий сюжет йўлидан борилишида, катта тарихий вақт ва замон масофасини таҳлил қилишда кўринмоқда. Лирик поэмаларнинг кескин камайиб, лиро-эпик поэмаларнинг кўплаб яратилиши, ҳатто шеърий романларнинг пайдо бўлиши ҳам шундан. Туроб Тўла «Суюк Момо» асарини ҳатто янги эпос деб атади. Ҳусниддин Шарипов «Бир савол», Баҳрот Бойқобилов «Шукуҳли карвон», Муҳаммад Али «Боқий дунё» асарларини шеърий роман деб номладилар. Буларда халқ тақдиридаги муҳим бурилиш нуқталари, ўткир снёсий-ижтимоий воқеалар таҳлил қилинади. Эътиборли томони шундаки, Т. Тўла, Б. Бойқобилов, Муҳаммад Али шеърий романлари учун конкрет тарихий воқеалар ва тарихий шахслар асос қилиниб олинади, шулар воситасида катта тарихий даврн моҳияти очилади.

**Эпик сюжет ва эпик қаҳрамон яратишдаги самарали уриниш лиро-эпик поэмаларда, айниқса, равшан кўринмоқда.** Сўнгги йилларда юзга яқин лиро-эпик поэмалар ёзилди. Лекин буларнинг ғоявий-бадиий даражаси бир хилда эмас. Кўпчилигида ҳаётнинг, воқеликнинг янги саҳифасини очиш, янги қаҳрамон яратишда оқсаб қолинган. **Схематизм масала таналашда ҳам, сюжет тузилишида ҳам, композицияда ҳам, қаҳрамон талқинида ҳам яққол кўринади.** Зоҳиджон Обидов «Умри» достонини ҳаяжонламасдан ёзган, Гулчеҳра Жўраеванинг «Зуҳро юлдузи» асарида яхлитлик, бадиий мукаммаллик етишмайди. Амирқул Пўлкан «Мангўликка суйқасд» достонида яхши, ўткир халқаро мавзуни кўтаради, бироқ талқинида жўн, эскича йўлдан боради. Озодлик, қаҳрамонлик ғояларини улуғлашга бағишланган Назарматнинг «Икки томчи қон» поэмасининг шакли, бадиий жиҳати эътироз туғдирмайди, бироқ шоирнинг ўз концепцияси йўқдек туюлади. Рамз Бобожон «Ҳайёмнома»сида ҳам, «Юсуф ва Зулайхо» халқ достони асосида яратган янги поэмасида ҳам ютуқни «Обиҳаёт» асарида эришгани даражасидан оширолмаганга ўхшайди. Тошпўлат Ҳамиднинг «Гулоб» поэмасининг якунидаги схематизми эътиборга олмаганда Малик чўлпон ўзлаштирувчи ёшлар образини анча жонли чизишга эришган. Ҳабиб Саъдулла «Қурбонлар» поэмасида Улуғ Ватан уруши мавзуини мустақил талқин қилишга интилган. Унда воқеавий сюжет чизиғи бор-у, асосан масала лирик пардада талқин қилинади. Отаси урушда ҳалок бўлган йигитнинг руҳий изтироблари, психологик кечинмаси берилади ва шу орқали адолатсиз уруш қораланади. Уни она-Ватан ва халқ бошига кўтаради, катта бахти бор, фақат ота меҳрига зор, холос. Шоир худди шу психологик ҳолат таҳлили орқали уруш мавзуини ўзига хос тарзда оригинал бадиий талқин қилади. Воқеликка, материалга мустақил ёндашиш Асқар Қосимовнинг «Обида» драматик достонида ҳам сезилади. Турди ҳақидаги бу асарда шоир уруғчиликни, маҳаллийчиликни кескин қоралайди ва халқнинг бахти, келажаги учун ўзини бахшида этган Турдининг жозибали образини чизади. Бироқ асар жисмига сингмаган фикрлар бор, унда теранлик етишмайди.

**Ҳозирги ўзбек поэмаларидаги ижобий тенденциялардан бири асарда драматизмнинг чуқурлашувидир.** Шоирлар воқеликни кескинлики, мураккаблиги, фожиавий томонлари билан ёритишга ғаракат қилишмоқда. Ҳамид Ғуломнинг Чили халқининг революционер фарзанди, буюк шоир Пабло Неруда ҳақидаги «Амазонка қўшиғи», Эркин Воҳидовнинг оташин бенгал шоири, жасур инқилобчи Назрул Ислом тўғрисидаги «Руҳлар исёни» поэмаларида шу ҳолни кўриш мумкин. Тўғри, иккала асар учун асос бўлган шоирларнинг ҳаёти, тақдири ғоят қизиқарли, ҳаяжонли ва фожиали эди. Бироқ муаллифлар уларнинг ёниқ, жўшқин инқилобий қалбини шеърга кўчира олганлар ва улар тақдирида ҳозирги мураккаб замонни, революцион асримизни, империализм билан прогресс, адолат, озодлик учун интилаётган халқлар ўртасидаги ҳаёт-мамот курашини акс этдира олганлар. «Амазонка қўшиғи»да жанговар қўшиқ руҳи, снёсий марш оҳанги устун туради. «Руҳлар исёни» поэмасида ҳам шоирнинг халқи, ватани, замонаси олдидаги гражданлик бурчи, вазифаси масаласи чуқур ва теран ҳал қилинади. Инқилобий руҳни, халқ, партия йўли, идеалларига чексиз эътиқод туйғусини самимият ва эҳтирос билан улугловчи бу асар Э. Воҳидов ижодида ҳам, ўзбек поэмачилигида ҳам янги сўз, қувончли воқеадир. Асардаги чуқур драматизмдан, қайноқ лиризмдан, жанговар публицистик руҳдан ташқари фалсафийлик ҳам эътиборга лойиқ. Фалсафийлик шоирнинг теран мушоҳида ва умумлаштиришларидагина эмас, балки воқеликни фалсафий идрок этишига кўмаклашуви, афсонаривоятлардан ўринли фойдаланишида ҳам кўринади. Ундаги «Адабиёт ҳақидаги ривоят», «Фидойилик тўғрисида ривоят», «Жаҳолат тўғрисида ривоят», «Шоирлар ва пайғамбарлар ҳақида ривоятли чекиниш» каби боблари шоирнинг олга сураётган мақсад-ғоялари учун фаол хизмат қилади.

**Поэмачилигимиздаги ижобий фазилатлар — тенденциялардан яна бири ўткир фикр ва ғояларни китобхонга осонроқ, қулайроқ қилиб етказишга уринишдир.** Шу мақсада шоирлар хилма-хил шакллар, воситаларга мурожаат этишмоқда. Эртак, афсона, нақл, ривоят, мифларга — халқимизнинг асрлар давомида орттирган, йиққан тажрибалари, фикр-хулосалари, орзу-умидларини ўзида мужассамлаштирган бадиий ёдгорликлардан бугуни куннинг, замонамизнинг муҳим, актуал масалалари, жумбоқлари, дардташвишларини ҳал қилиш учун, инсонни камол топтириш учун, келажакни яқинлаштириш учун фойдаланмоқдалар. Эл оғзига тушган «Жаннатга йўл» (Абдулла Орипов) ва «Ҳаққуш қичқириғи» (Омон Матжон) асарларининг муаллифлари ўзларининг ривоят, афсона, мифга мурожаат этиш сабабларини яхши изоҳлайдилар. А. Орипов: «Бир ривоят баҳонаю достон сўйладим, одамларга ибрат бўлсин, деб ўйладим», дейди. О. Матжон «Афсоналар — энг узоқ умр кўрадиган, ғаъни энг кўп маънавий хизмат қиладиган фахрий ватандошларимиз» дейди ва давом этиб ёзади: «Мифлар, афсоналар, халқ достонлари санъатни заминга «қайтариш»га ёрдам беради. Бундан йигирма-ўттиз йил олдин гнёз билан даволаган табиб масхарадай кўринар эди, бугун жаҳон медицинаси бир қадар «Авиценна»га қайтмоқда. Беш-ўн йил олдин суғоқ матолар «мода» бўлган эса бугун ёппасига пахта, ипак, қора кўл... Аввал шаҳарга интилар эдик, энди кўпроқ қишлоққа, табиат қўйнига... Бу ортга қайтиш эмас, чекиниш эмас! Бу — тезлигимиз, суръатимиз ошгани сабабли биздан орқада қолиб кетаётган эски дўстларимиз — эгулик, самимият, табиийликни бирга олиб кетиш учун бир зумлик қайрилиш, холос!».

Икки талантли шоримиз афсонага мурожаат этишнинг асил сабаблари ва мақсадларини лўнда қилиб мана шундай изоҳлаб бердилар. А. Ориповнинг «Жаннатга йўл» драматик достони учун жаннат-дўзах тўғрисидаги афсоналар баъзи одамларда учровчи нуқсонларни — олғирлар, юлғичлар, шуҳратпарастлар, виждонсизлар, ҳасадгўйлар, ифвогарлар, лоқайд одамларни шафқатсиз фош этиш ва «Яхши Одам»ни — «Ерда жаннат яратувчи бунёдкор инсонни» улуғлаш учун хизмат этади. Шоир ҳар бир инсон ҳамжиҳат, Ватан, халқ олдида бурчли эканлигини таъкидлаб, «Бу дунёга жавобгардир инсон ҳар бири» деб фаоллиққа чорлайди; имон, виждон бутунлигини шарафлайди. Теран ва ўткир фикр, мушоҳадаларга, чуқур умумлашмаларга бой бу етук асар ҳам сўнгги йиллар ўзбек адабиётининг ютуқларидан биридир. А. Орипов Абу Али ибн Сино ҳақида «Ҳаким ва Ажал» деган достон ёзди. Бунда ҳам у улуғ ҳаким ҳақидаги афсоналар, ривоятлар асосида эзулмат ичида нур излаган буюк даҳо образини гавдалантиради.

О. Матжоннинг қирқ афсонадан тузилган «Ҳаққуш қичқириғи» асари ҳам адабий танқидчиликнинг юқори баҳосини олди. Бу ҳаётий, фалсафий афсоналар инсоннинг ақл-заковати ҳақида, унинг фаоллиги ва курашчанлиги ҳақида, Ватан ва унга фидойи бўлиш ҳақида, ғурур ва имон, адолат ва ҳақиқат ҳисси, севги ва садоқат ҳақида ўйлашга, фикрлашга чорлайди. Бу асарлар бизнинг поэмачилигимизда таҳлилийлик кучайганлигидан ҳам далолат беради.

Партиямиз ижодкорлардан бадиий юксак даражада таҳлил этишни, ҳақиқат, яхшилик учун фаол курашувчи қаҳрамонлар образини яратишни талаб қилмоқда.

«Одамларнинг ишлаб чиқаришда ва турмушдаги муносабатлари, шахснинг мураккаб ички дунёси, унинг нотинч планетамиздаги ўрни — буларнинг ҳаммаси бадиий изланишлар учун имконият беҳисоб соҳадир, — дейди Л. И. Брежнев. —Бу ерда, албатта, шу нарса муҳимки, ҳом-хатала, бадиий жиҳатдан бўш асарлар актуал мазмунни ўзига қалқон деб билмаслиги керак. Асар қаҳрамонлари майдачуйда ишлар атрофида ўралашиб қолмасдан, ўз мамлакатининг ташвиши билан яшамоғи — шижоатли меҳнат билан, адолат ва яхшилик тантанаси учун астойдил курашиш руҳи билан йўғрилган ҳаёт кечирмоқлари лозим».

**С. МАМАЖОНОВ,**
**Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати, филология фанлари доктори.**

# ПЛАНЕТАМИЗДА

## МХРП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ЧАҚИРИҚЛАРИ

**УЛАН-БАТОР. (ТАСС. Монголия Халқ Революциясининг 60 йиллиги муносабати билан бу ерда МХРП Марказий Комитетининг чақириқлари эълон қилинди. Чақириқларда таъкидлаб ўтилганидек, монголларни социал ва миллий зулмдан озод қилган халқ революцияси МХРнинг феодализмдан социализмга ўтиши учун имконият яратиб берди. Совет Иттифоқи билан бузилмас қардошларча дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик, дейилади чақириқларда, янги жамият қуриш йўлида олга ҳаракат қилиб боришнинг мустаҳкам гаровидир.**

МХРП Марказий Комитети, деб уқтириб ўтилади чақириқларда, мамлакат меҳнаткашларини МХРП XVIII съездининг қарорларини ва республика халқ хўжалиги ҳамда маданиятини ривожлантириш еттинчи беш йиллик плани топшириқларини муваффақиятли амалга ошириш учун, белгиланган бунёдкорлик программасини бажариш учун барча куч-ғайратларини сафарбар қилишга чақиради. Фан-техника ютуқларини, илғор меҳнат методларини ҳамма жойда жорий этиш, Совет Иттифоқида ва бошқа қардош социалистик мамлакатларда социалистик ва коммунистик қурилиш соҳасида тўпланган бой тажрибани тинмай ўрганиш зарур.

Чақириқларда КПСС ва Совет ҳукуматининг қуролланиш пойгасини тўхтатиш, қуролсизланиш ва бутун жаҳонда мустаҳкам тинчлик ўрнатишга қаратилган изчил тинчликсеварлик ташқи сиёсати ҳамда конструктив таклифлари қизғин маъқулланади. МХРП Марказий Комитети инсониятнинг порлоқ келажаги — коммунизмни муваффақиятли барпо этаётган совет халқига қизғин салом йўллайди. «Қардош совет халқининг КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини амалга оширишда янгидан-янги буюк зафарларга эришувини тилаймиз», — дейилади ҳужжатда.

МХРП Марказий Комитети жаҳонинг барча халқларига мурожаат қилиб, халқаро империализм ва унинг гумашталарининг агрессив кирдикорларига қарши. Ер юзида тинчлик ва хавфсизлик учун қатъий кураш олиб боришга чақиради.

## И. ГАНДИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ДЕҲЛИ, 26 июнь. (ТАСС). Покистон зўр бериб қуроллаланаётганлиги муносабати билан Ҳиндистон Бош министри И. Ганди ғоят ташвишланаётганлигини билдирди. У Патнада (Бихар штати) ўтказилган оммавий митингда сўзлаган нутқида бундай деди: Ҳиндистон турли мамлакатларнинг мудофаа учун зарур бўлган қуроллароғларини сотиб олишига қарши эмас, аммо ортиқча қурол-яроғларнинг тўпланиши шубҳасиз хавф туғдиради ва бошқа қурдош социалистик мамлакатларда социалистик ва коммунистик қурилиш соҳасида тўпланган бой тажрибани тинмай ўрганиш зарур.

Биз шу вақтгача бутун куч-ғайратимизни тинч қурилишга сарфлаб келдик, аммо қўшни мамлакатлар қурол-яроғ запасларини кўпайтириб, Ҳиндистоннинг хавфсизлиги ва суверенитетига таҳдид қилаверар эканлар, ўз снёсатимизни қайтадан кўриб чиқишимизга тўғри келади, деди Ҳиндистон Бош министри.

## ЛИВИЯ—СУДАН МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР

ТРИПОЛИ, 26 июнь. (ТАСС). Жана агентлиги олий халқ комитетининг ташқи алоқалар билан шуғулланувчи халқ бюросидаги хабардор манбаларга асосланиб, маълум қилишича, Ливия Хартумдаги ўз халқ бюросини (элчихонасини) ёпишга қарор қилган. Суданнинг Триполидаги элчихонасини ёпиш тўғрисидаги қарор ҳам эълон қилинди.

Судан Бағдоддаги араб кенгашининг Миср ва Сталимчи режимни қоралашга тааллуқли ҳаёлларини бузганлиги, шунингдек Миср Араб Республикасининг президенти Садатни Судан пойтахтида қабул қилишга рози бўлганлиги учун Ливия мана шу чораларни кўрди, деб уқтиради агентлик.

ЛОНДОН, 26 июнь. (ТАСС). Рейтер агентлигининг Хартумдан хабар қилишича, Ливия билан Судан пойтахтлари ўртасида самолётлар қатнови тўхтатилган, Ливия авиация компаниясининг Судан пойтахтидаги ваколатхонаси ёпилган.

АҚШ билан Миср Ливияга қарши кампания бошлаганлиги, бу кампанияда Судан давлати актив иштирок этаётганлиги сабабли шу қарор қабул қилинган.

Маълумки, Ливия Суданнинг Садат режими билан яқинлашувини ва МАР президентининг яқинда Хартумга қилган визитини қаттиқ қоралаган эди. Бу сафар Судан маъмурларининг Садат тутаётган ва Араб халқларининг манфаатларига зид бўлиб тушаётган таслимчилик снёсати изидан бораверишнинг ниятида эканликларини тасдиқлади.

## ПОЛЬШАДАГИ АҲВОЛ ТЎҒРИСИДА «РАБОТНИЧЕСКО ДЕЛО» ГАЗЕТАСИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

**Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг органи «Работническо дело» газетаси редакцион мақола босиб чиқарди. Газета бу мақолада Польшадаги вазиятнинг хатарли ривожига эътиборни жалб этади.**

Польша Халқ Республикасида, деб ёзади газета, ўн ойдан буён мураккаб воқеа ва жараёнлар содир бўлмоқда. Снёсатда ва уни амалга оширишда йўл қўйилган қатолар натижасида, мамлакат ичкарисидаги ва ундан ташқаридаги антисоциалистик кучларнинг актив ҳаракатлари натижасида ПХР оғир аҳволга тушиб қолди. Антисоциалистик кучлар мамлакатда социалистик тузумга бевосита қарши қаратилган фаолиятни кучайтирмоқда. ПХРдаги вазиятнинг ривожи ғоят хатарли тус олиб, танглик босқичига ўтди.

Бундай шароитда, деб таъкидлайди «Работническо дело» газетаси, КПСС Марказий Комитети ПБИП Марказий Комитети ҳақида мактуб йўллади. Бу мактубда воқеаларнинг хатарли ривожи кўрсатиб берилди. Болгария Коммунистик партияси бу тарихий ҳужжатни тўла-тўкис маъқуллади. Социализмни ҳимоя қилиш — асосий масаладир. Бу масалани ҳал этиш Польша Халқ Республикасининг бундан бўёнги тақдири учун, шубҳасиз, ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Бунда гап гитлерчилар фашизми Совет Армияси томонидан тор-мор қилинганидан кейин поляк халқи қўлга киритган тарихий ғалабалар ҳақида, Польша давлатининг мустақиллиги ва суверенитети тўғрисида, Польшанинг хавфсизлиги ва чегаралари тўғрисида боряпти. ПХРда ҳеч ким рўй берган хавфнинг жиддий тус олганлигига етарли баҳо бермаслиги мумкин эмас. Бу масалани ҳал этиш Польшагагина тааллуқли бўлиб қолмайди. Бу масаланинг ҳал этилиши бутун социалистик ҳамдўстлик учун, реал социализм учун ҳаётий аҳамиятга эгадир. Бу — тамомила аёндир, чунки Польша социалистик ҳамдўстлигининг, Варшава Шартномасининг аъзоси бўлиб, жаҳон социалистик системасининг муҳим бўғинидир. ПХРни изидан чиқариш борасидаги ҳар қандай ҳуриниш бутун социалистик ҳамдўстликнинг манфаатларига ва хавфсизлигига таҳдид қилади. Бу — Европада, жаҳонда кучлар нисбатига ҳам, Европа қитъасида хавфсизлик ва барқарорликка ҳам тааллуқлидир.

Шу боисдан, деб ёзади БКП Марказий Комитетининг органи, социалистик ҳамдўстликдаги мамлакатларнинг бирон партияси ҳам, социалистик мамлакатларнинг бирортаси ҳам Польшада содир бўлаётган воқеаларга бепарво ва хотиржам қарай олмайди. Польшанинг Совет Иттифоқи ва қардош социалистик мамлакатлардан бошқа энг яхши, энг содиқ дўстлари ва қудратли иттифоқчилари ҳамда ҳимоячилари йўқ эканлигини тарихий тажриба кўрсатиб турибди. Аммо Польша ҳам Варшава Шартномаси ташкилотининг ва социалистик мамлакатлар иқтисодий ҳамдўстлигининг мустаҳкам бўғини бўлиб қолиши керак. Бу соҳада ҳам ҳеч ким икки хил фикрда бўлиши ва ҳаёлпарастликка берилиб кетиши мумкин эмас.

Шу муносабат билан, деб таъкидлайди «Работническо дело» газетаси, мамлакатларимиздаги Коммунистик партиялар Польшадаги аҳволнинг ривожидан тамомила ҳақли равишда ташвишланмоқдалар. Биз худди шундай позицияда туриб Польша Бирлашган ишчи партиясига, Польша давлатига ва поляк халқига ёрдам бериб келдик ва ёрдам бераверамиз.

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари қардош партиялари раҳбарларининг 1980 йил 5 декабрдаги учрашуви ана шу позицияларга мувофиқ ўтказилди. Бу учрашувда Польшадаги вазият бирталикда чуқур таҳлил этилди ҳамда ПХРни тангликдан қутқариш йўллари ва зарур бўлган тадбирлар белгиланди.

Аммо шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, поляк ўртоқларимиз берилган баҳога тамомила қўшилганлигига қарамай, Польшадаги вазиятнинг ривожи салбий тус олаверди. Танглик чуқурлашиб, кескинлашиб бораверди. Шу билан бирга иккинчи даражали масалаларда эмас, балки энг муҳим масалаларда ҳам ён бериш ва муросага келиш йўли мамлакатда кризисли ҳолатларни чуқурлаштириб юборди.

Мамлакатдаги ижтимоий-снёсий танглик партияни ҳам қамраб олганлиги жуда катта ташвиш туғдирмоқда. ПБИПнинг бирлигига путур етказиш, партиянинг раҳбарлик ролини ва жанговарлик қобилиятини заифлаштириш учун зўр бериб уринмоқдалар. Биз поляк коммунистлари партиясининг марксча-ленинча характерини тўғридан-тўғри ўзгартиришга, уни реформист партияга айлантиришга қаратилган ҳаракатларнинг шоҳиди бўлиб турибмиз. Бу ҳол Польшадаги вазиятнинг бундан бўёнги ривожини, шубҳасиз, жуда катта хавф остида қолдиради.

Контрреволюция ўз мақсадига эриша олган тақдирда, асосий маррани эгаллаб олади ва Польшада социализмнинг асосий гарови бўлган поляк ишчилар синфи ва поляк халқининг марксчи-ленинчи авангардини четлаштириб қўяди.

Шу сабабли, деб таъкидлайди газета, КПСС Марказий Комитетининг мактуби ҳозирги вақтда Польшада содир бўлаётган жараёнларни тўғри таҳлил этиш ва уларга баҳо беришда ПБИПга кўрсатилаётган бебаҳо ёрдамнинг янги ифодаси, улуғ Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ленинча интернационализмининг ифодаси бўлишгина қолмай, айни вақтда ҳозир жуда зарур бўлган мустаҳкам негиз ҳамдир. Ана шу негизга таяниб, тангликдан қутилишнинг тўғри стратегиясини, тактикасини ва конкрет программасини ишлаб чиқиш мумкин. Ўтган ўн ой шу нарсани жуда яққол тасдиқлаб берди, марксча-ленинча аниқ-равшан баҳо бермай туриб, синфий жиҳатдан изчил ёндашмай туриб ва партияни, кадрларни, ишчилар синфини ва бутун жамиятни тўғри йўлга бошлайдиган конкрет программага эга бўлмай туриб, ҳозирги тангликни бартараф қилиш мумкин эмас.

Болгария коммунистлари КПСС Марказий Комитетининг мактубини қўллаб-қувватлайдилар. Улар бу мактубни ленинча принципиаллик, коммунистларча ростгўйлик, ўртоқларча ғамхўрлик ҳужжати сифатида, Польшадаги ҳақиқий вазиятни тамомила эътиборга олган ҳужжат сифатида қўллаб-қувватлайдилар. Ўз ватанини қадрловчи ҳар бир поляк коммунисти ва ҳар бир поляк КПСС Марказий Комитетининг мактуби Польшанинг социалистик келажаги учун тарихий аҳамиятга молик эканлигини англамай қолиши мумкин эмас.

Болгария коммунистлари, БХР меҳнаткашлари Польша Бирлашган ишчи партиясининг ва бу партия раҳбарларининг Польшани ҳалокат ёқасига тортаётган антисоциалистик ва контрреволюцион кучларга қарши ҳужумга ўтишини қутмоқдалар, деб уқтириб ўтади «Работническо дело» газетаси мақоланинг охирида. (ТАСС).

**София.**

## АГРЕССОРНИНГ ҚАБИҲЛИГИ

Қўшма Штатлар бутун жаҳонинг кўз ўнгида Исроилнинг Ливанга қилаётган ваҳшиёна ҳужумларини, унинг Сурияга нисбатан разил таҳдидларини, босиб олинган араб ерлари зўр бериб мустамлакага айлантирилаётганлигини рағбатлантирмоқда. Исроил авиациясининг яқинда Ироққа қилган ҳужуми унинг экспансиячилик ҳаракатлари ва ниятлари қандай кенг тус олганлигини жуда яққол намойиш қилди. Бутун жаҳонда ана шу қароқчилик хуружларига нисбатан қаҳр-ғазаб шу қадар кучайиб кетдики, Қўшма Штатлар Тель-Авивнинг жиноий ҳаракатларидан ўзини четга олиш учун риёкорона уринди кўрди. Американинг Хавфсизлик Кенгашидаги вакили ҳатто кенгашнинг «Исроилнинг қуроллари ҳужумини кескин қоралади, бу ҳужум БМТ Уставини ва халқаро хатти-ҳаракат нормаларини ошкора бузишдан бошқа бир нарса эмас», деган резолюциясини ёқлаб овоз берди. Аммо аслида исроилик агрессорларни ўз ҳимоясига олган Вашингтоннинг тескари йўл тутганлиги натижасида Хавфсизлик Кенгаши бундай ҳолларда БМТ Уставида кўзда тутилган мажбурий жазо чораларини Исроилга нисбатан қўллана олмади.

Исроил агрессия ва экспансия снёсатини АҚШ ҳомийлигидагина ўтказиб келаётганлиги ва бундан бошқача йўл тутиши мумкин эмаслиги кўпданоқ аён бўлиб қолган. Исроил Америка-аслахахоналаридан қуроллароғларнинг энг янги турларини олмоқда ва АҚШнинг снёсий васийлигида иш кўрмоқда. Вашингтоннинг Исроил самолётлари томонидан Бағдодга босқинчиларча қилинган ҳужумга даҳлдор эканлигини тан олмасликка бемаъни уринишларига келганда шуни айтиш керакки, кейинги фактлар бундай даъволарнинг тамомила асоссиз эканлигини кўрсатди.

Қўшма Штатлар Исроил авиациясининг Ироқдаги ядро тадқиқотлари марказига ҳужум тайёрлаганлигидан хабардор бўлибгина қолмай, Тель-Авивни ана шундай халқаро терроризм хуружини қилишга доим ундаб келди. Американинг Исроилдаги элчиси шу йил январь ойидаёқ Бегинга «ҳужжат» топширганлиги яқинда маълум бўлиб қолди. Унда Америка Ироқнинг ядровий программасидан «ташвишланаётганлиги» билдирилган эди.

Бегин шу хусусда Исроил кнессетида мақтончоқлик билан бундай деди: Суриянинг Ливандаги зенит ракеталари хусусида бошланган шовшув кампанияси «Ироқ ядро марказига қарши тайёрланган ҳужумдан эътиборни четга тортиш»га мўлжалланган эди.

Араб мамлакатларининг ватанпарвар кучлари Америка империализми ва унинг Яқин Шарқдаги гумашталарининг агрессив, янги мустамлакачилик кирдикорларига жавобан империализмга қарши, ўз ҳуқуқлари учун курашда ўз сафларини жипслаштирмоқдалар.

(ТАСС).

Исроил ҳарбийлари босиб олинган араб территорияларидаги аҳолига нисбатан террор ва репрессияларни кучайтирмоқдалар. Суратда: Газо секторидаги араб аҳолисининг кундалик ҳаёти Исроил солдатлари назоратида ўтмоқда.

Камера Пресс — ТАСС телефотоси.

## ҚАРДОШЛИК БАЙРАМИ

Мамлакатимизда Совет-Монголия дўстлиги ойлиги ўтмоқда. Ойлик Монголияда халқ революцияси галабасининг 60 йиллигига бағишланган.

Ойлик доирасида Москвада ва иттифоқдош республикаларда МХР маданияти кунлари бўлиб ўтди. Қардош халқ ҳаётидаги шонли воқеага бағишлаб кўпгина шаҳар ва қишлоқларда кўп кишилик митинглар, йиғилишлар ва дўстлик кечалари ўтказилмоқда. Буларда сўзга чиққан совет жамоатчилигининг вакиллари КПСС ва МХРП, СССР билан МХР халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни муттасил чуқурлаштириб бориш йўлини ўтказиб келаётганликларини уқтирмоқдалар. Л. И. Брежнев билан Ю. Цеденбал ўртоқлар алоқаларни ривожлантиришга бебаҳо ҳисса қўшмоқдалар. Совет кишилари Монголия меҳнаткашларининг МХРП XVIII съезди қарорлари, Монголияда халқ революциясининг 60 йиллик байрамига тайёргарлик жўш урдирган муваффақиятларидан қувонмоқдалар.

Клублар ва маданият саройларида монгол дўстлар билан учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Қардош халқнинг экономика, илм-фан ва маданиятини ривожлантиришда эришган муваффақиятлари билан таништирувчи кўргазмалар очилди. МХР кинематографчилари тайёрлаган кинофильмларни кўрсатиш ташкил қилинди.

(ТАСС).

## ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

Тошкент районидаги «Ленин йўли» колхози картошкакорлари катта муваффақиятни қўлга киритдилар. Эл дастурхонига пландаги 1370 тонна ўрнига 1400 тонна картошка етказиб берилди. Бу ютуққа ерларнинг ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига эришилди.

Колхоз миришкорлари ўз имкониятларини чамалаб кўриб, яна 300 тонна картошка топшириш учун курашмоқдалар. Ҳосилдан бўшаган ерлар пешма-пеш ҳайдалиб, такрорий экилар экилмоқда.

* * *

Дўстлик районидаги В. И. Ленин номли совхозининг Қаҳрамон Қиргизов бошлиқ мактабжўхоричилик бригадаси аъзолари ўтган йили гектаридан 80 центнердан дон ва кўплаб кўкпоя йиғиштириб олиб, бу борадаги планни 175 процентга адо этишган эди.

Бригада деҳқонлари бу йил 135 гектар майдонда деҳқончилик қилишмоқда. Улар қўриқ ернинг ҳар гектаридан пландаги 47 центнер ўрнига 100 центнердан дон, 500 центнердан кўкпоя топшириш мажбуриятини қабул қилишган. Бригада механизатори Мўйдин Қиргизов ва сувчи Холмамат Юсуповлар ўсимликни меҳр билан парваришлашди. Кенг майдонлардаги мактабжўхорилар яхши ривожланиб, сўталай бошлади.

## «ЭКРАН» ТЕЛЕВИЗИОН ЙЎЛДОШИ УЧИРИЛДИ

ТАСС АХБОРОТИ

Қрнинг сунъий йўлдошларидан фойдаланиб телевизион эшиттириш системаларини янада ривожлантириш программасига мувофиқ 1981 йил 26 июнда Совет Иттифоқида навбатдаги «Экран» телевизион эшиттириш йўлдоши учирилди. Унинг ичига Марказий телевидение программаларини коллектив фойдаланиш қабул қурилмалари тармоғига дециметр диапозони тўлқинларида узатишни таъминлайдиган ретрансляция аппаратлари ўрнатилган.

«Экран» йўлдоши тургунликка қўйи доирасимон орбитага чиқарилди.

«Экран» йўлдошига ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди. Команда-ўлчов комплекси йўлдошнинг учишини бошқармоқда.

«Экран» йўлдошига «Стационар-Т» халқаро рўйхат индекси қўйилган.

## ҲУЖЖАТЛАР ТЎПЛАМИ

Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти, Миллий озодлик фронти партиясининг Бош секретари Шадли Бинжадиднинг 1981 йил 8—10 июнь кунлари СССРга қилган визити тўғрисидаги ҳужжатлар ва материаллар тўплами босилиб чиқди.

Тўпламга Л. И. Брежнев ва Ш. Бинжадид ўртоқларнинг нутқлари, Совет — Жазоир қўшма ахбороти ва бошқа материаллар киритилган.

Тўпламни Снёсий адабиёт нашриёти чиқарди.

(ТАСС).

## ЗЎР ҚИЗИҚИШ БИЛАН

НАМАНГАН, 25 июнь. (**«Совет Ўзбекистони» мухбири**). Наманган область меҳнаткашлари Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советининг жаҳон парламентларига ва халқларига Мурожаатини зўр кўтаринкилик билан кутиб олиб, қизиқиш билан ўқиб ўрганмоқдалар. Улар Мурожаатнинг ҳар бир сатри партиямиз ленинча таълимотга асосланиб, Тинчлик программасини оғишмай ҳаётга татбиқ этаётганлигидан далолат бераётир, демоқдалар. Бугун область партия комитетининг 240 нафар снёсий докладчиси ва штатсиз лекторн район ва шаҳарларга жўнаб кетдилар. Улар жойлардаги 800 дан зиёд идеология фронти жангчилари билан биргаликда колхозларда, совхозларда, қурилиш ташкилотлари ва саноат корхоналарида Мурожаатни меҳнаткашлар коллективлари ўртасида кенг пропаганда қилмоқдалар.

**А. НИЕЗОВ.**

# „ҲИНД ДОСТОНИ“ — БОЛЬШОЙ ТЕАТР САҲНАСИДА

## 26 ИЮНДА КРЕМЛНИНГ СЪЕЗДЛАР САРОЙИДА «ҲИНД ДОСТОНИ» БАЛЕТИНИНГ ПРЕМЬЕРАСИ БЎЛДИ

**«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»НИНГ ШТАТСИЗ МУХБИРИ В. НЕДЗВЕЦКАЯ МОСКВАДАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ ХАБАР ҚИЛАДИ:**

Москвада кўни кеча балет артистларининг тўртинчи халқаро конкурси якунланди. Машҳур балет усталарининг ана шу улкан анжуманига тўпланган 23 мамлакат вакиллари, москваликлар, театр жамоатчилиги, пойтахт меҳмонлари Большой театри коллективининг янги ижодий муваффақияти — «Ҳинд достони» балетининг яратилиши билан қизғин табрикладилар. Балет атоқли ўзбек ёзувчиси Шароф Рашидовнинг «Кашмир қўшиғи» достони асосида саҳналаштирилган.

«Ҳинд достони» балетини хореографлардан Ю. Г. Скотт ва РСФСРда хизмат кўрсатган артист Ю. В. Папко СССР халқ артисти, Ленин мукофоти лауреати Ю. Н. Григорович раҳбарлигида саҳналаштирганлар. Янги саҳна асарида Наргис гули ва асаларилар йўлбошчиси баҳодир Бамбур севгиси ҳақида ҳикоя қилинади. Наргис ва Бамбурнинг пок севгиси Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, композитор Улуғбек Мусаевнинг истеъдод билан яратган куйида жозибали жаранглайди.

РСФСР халқ рассоми, РСФСР Давлат мукофоти лауреати Н. Н. Золотаревнинг спектаклни бадиий жиҳатдан моҳирона безай олиши унга қадимий афсонани рақс тили билан ҳикоя қилиб бериш имконини яратади.

Спектаклда Ленин комсомоли мукофоти лауреати А. А. Михальченко — Наргис, А. А. Лазарев — Бамбур, СССР халқ артисткаси Н. В. Тимофеева — Баҳор, РСФСРда хизмат кўрсатган артист, СССР Давлат мукофоти ва Ленин комсомоли мукофоти лауреати Б. Б. Акимов — Хоруд ва бошқа талантли артистлар Наргис ва Бамбурнинг афсонавий севгиси ҳақидаги қадимий қўшиқни зўр илҳом билан ижро этадилар. Уларнинг ҳар бир ҳаракати муҳаббат ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтишга, ҳамма синовларга бардош беришга ва чурашда ғалаба қилишга қодирлиги ҳақида ҳикоя қилади.

— Большой театрнинг «Ҳинд достони» балет спектакли, — дейди биз билан суҳбатда театрнинг бош балетмейстери, СССР халқ артисти, Ленин ва СССР Давлат мукофотларининг лауреати Ю. Н. Григорович, — бутун коллективнинг жуда катта ижодий муваффақиятидир. Ана шу ажойиб спектаклда ҳинд классик рақсининг майинлиги ёрқин эмоционал, ифодали музика бўлган академик балет билан органик равишда уйғунлашиб кетади.

Бир сўз билан айтганда, «Ҳинд достони» спектакли балет санъатининг катта ютуғидир.

Суратда: «Ҳинд достони» балетидан бир кўриниш. ТАСС фотоси.

## ФАН-ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

### ГАЗМОЛДА ҚАНЧА МЕТАЛЛ БОР

**Тожикистон университетининг олимлари тўқимачилик маҳсулоти сифатини контроль қилишга янгича ёндашишни таклиф қилдилар. Эндиликда пахта толасининг пишиқлигини аниқлаш учун бир неча минут кифоя қилади.**

**Тола бўлаги радиоспектрометрга қўйилади ва у лаборантга тайёр натижани беради. Бунда олимлар газламада топган металл зарралари... сифатнинг асосий индикатори бўлади.**

**— Ишлов беришда пахта толаси бир неча машиналардан ўтаётиб, шикастланади, — дейди университет лабораториясининг мудири физика-математика фанлари кандидати Г. Самойлов. — Биз технология жараёнининг охирида пахта толаси металлга тўйиниб, пишиқлигини йўқотишидан иборат бир қонуниятни топдик. Машина-ускуналарнинг эскирганлиги ва конструктив нуқсонлар бунга сабаб бўлади. Металл зарралар сифат айни қайси жойда, қандай машинада йўқолаётганлигини аниқлашга имкон беради. Жумладан биз Душанбе ип газлама бирлашмасида тараш машиналарининг ишини такомиллаштириш керак, деган хулосага келдик.**

**Яқинда университет янгиликни биргалашиб жорий этиш тўғрисида ип газлама саноати марказий илмий-тадқиқот институтининг олимлари билан шартнома тузди. (ТАСС).**

### НУР ТАЪСИР ЭТУВЧИ МОЛЕКУЛАЛАР

**Лазер нури буюм юзига ниқоятда юпқа ихота полимер қатлами югуртиришга қодир, ўзига хос мўйқалам бўлиб қолди. Белоруссия ССР Фанлар академияси металл полимер системалар механикаси илмий-тадқиқот институтининг олимлари шундай технологияни таклиф қилдилар. Бу усул микроэлектрон аппаратлар сифатини оширишга янги имкониятлар очиб беради.**

**Полимер плёнка одатда деталл юзига гоят баланд ҳароратда югуртирилади. Бусиз приборлар ишламайди.**

**Олимларнинг аниқлашларича, лазер нури таъсирида молекула занжири деталл юзида гоят юпқа текис қатлам бўлиб ёйилади. Мутахассисларнинг ҳисобларига кўра, янги технологиядан фойдаланиш (бунда деталларга термик ишлов бериш зарурати қолмайди) серм меҳнат ва қимматга тушадиган қоплама югуртириш жараёнини бир неча соатда ўнлаб минутгача қисқартиради. (ТАСС).**

# КАСАМЁДГА ХИЁНАТ

## ФЕЛЬЕТОН

Иссиқ жон экан, Масодиқ ака кўчадан иситмалаб келди-ю, уч-тўрт кун кўрпа-ёстиқ қилиб ётиб қолди. Ҳаделганда иссиғи тушавермагач врач чақиртиришга тўғри келди. У беморнинг томирини кўраркан, бошини чайқади:

— Одам деган шунақа бепарво бўладими, касални ўтказиб юборибсиз. Энди бирорта дурустроқ касалхонага ётишингиз керак. Бўлмаса, оёққа туриб кетолмайсиз, — дейда, сўнг у ўй бекасини айвонга имлади. — Эрингиз оғирлашиб қолибди. Ҳаракатингизни қилиб касалхонага ётқизмасангиз, чапак чалиб қолишингиз мумкин, — у ҳатто хонадаги бемор ҳам бемалол эшитадиган қилиб шивирларкан, айни пайтда гапи аёлга қандай таъсир қилаётганини кузатиб ҳам турарди. — Поликлиникада ордер тугаб қолган, уни топишнинг ўзи бўлмайди. Озроқ ҳаражат қилишга тўғри келади.

Ўй бекаси ҳозироқ эридан ажраб қолаётгандай врачнинг этагига маҳкам ёпишиб олди.

— Бирор чорасини топинг, жон доктор, неча пул десангиз ҳам розиман. Ишқилиб, болаларимнинг бахтига дадаси тузалиб кетсин.

— Майли, сиз учун ўзим ҳаракат қиламан,— врач мурувват қилгандай деди ва қўшиб қўйди. — Аммо, икки юз сўм тайёрлаб қўйинг, бусиз бўлмайди...

Ажабланманг, ҳурматли газетхон, гарчи ишонш қийин бўлса ҳам ушбу воқеа уйдирма эмас, балки шу кунларда содир бўлган ҳақиқат. Тўғри, мамлакатимизда аҳолига бепул медицина хизмати кўрсатиш аллақачон тўла амалга оширилган ва СССР Конституцияси билан мустаҳкамланган, инсоннинг соғлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш учун партия ва давлатимизнинг ғамхўрлик қилиш кундалик сиёсати бўлиб қолган айни пайтда бу ҳунук воқеа кўз кўриб, қулоқ эшитмаган уйдирмадай бўлиб туюлиши табиийдир. Бироқ шоли қурмаксиз бўлмаганидек, виждонини пафсга қурбон қилиб, шифокор деган номга иснод келтираётган баъзи шахслар томонидан ана шу оддий ҳақиқат топталаётгани каби воқеалар онда-сонда бўлса ҳам учраб турибди. Врач Валентина Медведева осон йўл билан бойлик орттириш учун ана шундай эгри йўлга кирди.

Йўқ, у ҳеккa шаҳар ёки районда эмас, балки Тошкентнинг энг гавжум даҳаларидан бири — Чилонзордаги 29-поликлиникада ишларди. Унга бириктирилган участкада аҳоли кўп, ҳар куни ўнлаб беморлар шифо истаб Медведеванинг қабулида бўларди. Валентина Медведева эса беморлар ишончидан ўзи истаган йўлда фойдаланишга ҳаракат қилди. Унинг даволаш усули ҳам бошқаларникидан тўбдан фарқ қиларди. Одатда у қабулига келган одамни бошдан-оёқ кузатиб чиқарди, сўнг унинг тайёр «лўқма» эканлигига ишонч ҳосил қилгач, беморнинг касалини бўрттириб, юрагига ваҳима солиб асосий мақсадга кўчарди:

— Кўп чўчийверманг, сарф-харажатдан қочмасангиз, сизни касалхонага ўзим ётқизаман. Мана ордер, нарҳи икки юз сўм. Малол келмаса, ҳозир сапаб беринг-да, эртадан бориб даволанаверинг.

Ёки шундай деар эди:

— Бюллетень керак бўлиб қолдими? Неча кунга ёзиб берай? Икки кунга овора бўлмай, бир пўла ўн кунга ола қолинг-да. Атиги ўттиз сўм ташлаб кетсангиз кифоя...

Ёмонга яқин юрсанг балоси юққанидай, Медведева ўзи жиноят қилибгина қолмай, бошқаларни ҳам шу йўлга ундади. Қалбаки йўл билан бюллетень олган ишчининг «касаллик» муддати тугагунча унинг дастгоҳи тўхтаб турди, шофер ишга чиқмай кўпгина халқ хўжалиги юклари ташлимай қолди, «бемор» муаллимнинг ўқувчилари вақтида сабоқ ололмадилар. Корхона ва қурилиш планларига путур етиб, тартиб-интизом бузилгани устига маъмурият «бемор»-ларга ишламаган кунлари учун ҳам ҳақ тўлагани дард устига чипқон бўлди. Шуни айтадилар-да, бирники мингга, мингники туманга деб. Порахўрнинг касри кўпчиликка урди.

Медведева бемор Сергей Халилов билан Вячеслав Бўриевга касалхонага ордер ваъда қилиб, уларнинг ҳар биридан 200 сўмдан, Тоҳира Ҳамидуллинадан «бюллетень ёзиб бераман» деб кунига уч сўмдан, Светлана Исакова билан Игорь Грилялга справка ваъда қилиб ўн сўмдан «хизмат ҳақи» талаб қилди. Биз бу ерда фақат бир неча кишининг номини келтириб ўтдик, холос. Унинг усталик билан тўқиган тўрига билиб-билмай илинган кишилар қанчадан-қанча.

Гап шу ерга етганда ҳар кимда ҳам шундай савол туғилиши табиий: хўш, Медведева поликлиника муҳрини ўрилган ордер бланкаларини қаердан олди эди? Наҳотки даволаш муассасасида унинг қўлига пачкалаб бланкалар топшириб қўйилган бўлса? Ҳамма гап шунда-да! Тегишли ташкилотлар текшириб кўришганида унинг сумкасидан қанчадан-қанча ана шундай бланкалар чиқди. Муҳри ҳам, имзолари ҳам бор. Истаган кишининг номини ёзиб, шу куниёқ касалхонага юборавериши мумкин.

Кейин маълум бўлди: Медведева енг ичидаги қийғир ишларини даволаш муассасаси раҳбарларининг назоратни бўшаштириб юборганидан фойдаланиб амалга оширибди. Бланкаларга муҳрни бемалол ўзи босиб, имзоларни ҳам ўзи чап қўл, ўнг қўл қилиб қўйиб олибди. Биров ундан ҳатто нима қиляпсан, деб сўраб ҳам ўтирмабди. Поликлиника бош врачи Турғун Саидов ғишт қолиндан кўчганидан кейингина «Ажаб бўлди, хўп бўлди, жазосини энди тортади, яхшилигимни билмаган экан, баттар бўлсин, бу кун ҳам унга оз», деб можародан ўзи омон қутулиб қолганидан хурсанд.

Энди эътиборингизни Андижон областида содир бўлган яна бир воқеага қаратмоқчимиз. Редакцияга Изоскан районидан бир шикоят хати келди. Унинг қисқача мазмуни шундай: «Онламиз бошига оғир мусибат тушди — эндигина ўттиз бир ёшга кирган акам Маҳамаджон Ҳамроқулов оламдан ўтди. Унинг ўлимига хизмат вазифасига лоқайд қараётган баъзи врачларнинг бепарволиги сабаб бўлди...»

Чиндан ҳам Пойтугда шундай воқеа рўй берган эди. Шу йилнинг 2 апрель куни район марказий касалхонаси хирургия бўлимининг мудири Козимжон Қосимов навбатчилик қилаётган ҳамкасбларини, жумладан хирург Собиржон Азимов билан Йўлбарс Тожиматовни пешинда уюштирилаётган знёфатга таклиф қилди. Шу куни соат ўн уч яримда эса бемор Маҳамаджон Ҳамроқуловни касалхонага олиб келишди. Унинг ранги униқиб кетган, деярли бехуш ҳолда эди. Знёфатга шошиб кетаётган иккала хирург унга коридорда дуч келишди. «Кўримиз учиб турган эди, иштаҳанинг белига тепди» деб хўмрайди Собиржон Азимов, сўнгра беморнинг биқинини чангаллаб турганини, ранги оқариб кетганини кўриб, йўл-йўлакай тайинлади:

— Кўричагингиз ёрилганга ўхшайди. Ҳозир лабораторияга бориб анализ топширинг, кейин ҳамшира сизни қабул қилиб олади.

Хирургларнинг ҳеч нарса бўлмагандай чаққалашиб чиқиб кетаётганини кўриб, беморнинг онаси Турсунхон опа Гофурова уларнинг йўлини тўсди:

— Болагинамни шу аҳволда ташлаб кетманглар, ахир ўзингиз айтяпсиз-ку кўричаги ёрилган деб...

Бироқ унинг ялиниб-ёлворишлари знёфатга шошилиб турган врачларга кор қилмади.

— Қулоғингизга танбур чертяпманми, хола, — Собиржон Турсунхон опага қараб тиржайди. — Бизда ҳам қорин бор...

Шу кетганча кунни кеч қилиб қайтишди. Алангани оташ бўлиб бораётган фарзандининг аҳволига ортиқ тоқат қила олмаган она келини Робиянхон Ҳамроқуловани ёнига олиб, Пойтугдаги чойхона ва ошхоналардан маишат қилиб ўтирган врачларни бирма-бир сўроқлай чиқди. Касалхона бош врачининг ўринбосари Миролим Мирмўминов билан врач Манзура Усмонова ҳам ҳамкасбларини зир югуриб изладилар. Аммо топишолмади. Кеч соат ўн олтиларгача Йўлбарс Тожиматов чўп билан тиш кавлаб қайтиб келди. У қилмиши учун онадан кечирим сўраш ўрнига тиржайганича «кўп ташвишланаверманг, ўғлингиз ҳали милтиқнинг ўқидай бўлиб кетади», деди-да, нариданбери тайёрланиб, операция хонасига кириб кетди.

Бир соатдан кўпроқ давом этган операция жуда оғир ўтди. Кейинги кунларда ҳам беморнинг аҳволи енгиллашмади. Иссиғи пасаймай, шамдек эриб, сўлиб бораверди. Аммо даволовчи врач Йўлбарс Тожиматов билан бош хирург Козимжон Қосимовнинг негадир парволари палак, улар ҳатто беморнинг қариндош-уруғлари областдан тажрибали врач чақиришни илтижо қилиб сўраш-са ҳам пинак бузмадилар. Орадан икки ҳафта вақт ўтди. Беморнинг аҳволи янада оғирлашди. Унинг шифо топиб кетишига ортиқ ишончи қолмадими ёки кейин бўладиган можаролардан қутулиб қолмоқчи бўлдими, ниҳоят ўн тўртинчи кун деганда Козимжон Қосимов Андижондан мутахассис врач чақириша мажбур бўлди. Бироқ энди вақт ўтган эди. Маҳамаджон область клиник касалхонасига олиб келганидан кейин орадан беш кун ўтгач оламдан ўтди. — Бу лоқайдлик, ўта бепарволик туфайли юз берди.

Совет врачларининг тантанали қасамёдида айтилганидек, бутун билимини, кучини, вақтини аямай инсон саломатлигини муҳофаза этиш, беморларга ҳамиша медицина ёрдами кўрсатишга тайёр туриш, уларга меҳрибон ва ғамхўр бўлиш олижаноб касб эгаларининг муқаддас бурчи ва вазифасидир. Бу талабларга риоя қилмай, врачлик масъулиятини унутиб қўйган, коммунистик ахлоқ принципларига зид ҳаттиҳаракатлар қилган шахслар эса шифокор деган покиза номга нолойиқдир.

Хўш, бир зумлик маншатни деб ўз бурчини унутган врачлар чи, уларга нисбатан бирор чора кўрилдими? Йўқ, дастлаб ҳеч қандай чора кўрилмади. Биз бу ишга аралашганимиздан кейингина областдаги мутасадди ташкилотлар ҳаракатга тушиб қолишди. Зудлик билан область «Коммунист» газетасида «Қасамёдни унутган врачлар» сарлавҳали фельетон босилиб чиқди. Соғлиқни сақлаш борасида йўл қўйилган камчиликлар муҳокама қилиниб, тегишли тадбирлар белгиланди, масъулиятсиз врачларга нисбатан маъмурий чора кўрилди. Бироқ, уларнинг бундан кейин ўз вазифасини виждонан адо этадилар деб ким кафолот бера олади?!

Бизнинг Совет жамиятимизда молпарастлик, текинхўрлик, хусусий мулкчилик, бошқалар тақдирига бефарқ муносабатда бўлиш каби иллатлардан бутунлай ҳоли, халол ва пок кишилар яшайди. Унда Медведева сингари порахўрларга, Азимов ва Тожиматов каби виждони нопок кишиларга ўрин бўлмаслиги керак. Бундай шахслар ҳеч қаерда илдиз отолмасинлар. Уларнинг қилмиши инсон саломатлигини муҳофаза қилишдек шарафли иш топириб қўйилган барча шифокорларга сабоқ бўлсин.

**Рафиқ ТУРСУНОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.**

# СПОРТ

ТЕННИС:

## ЧИНОРЗОР БАҒРИДА

**«Ҳамма жойда, ўқув юртларида теннис кортлари ва майдончалари қуриш, уларни барпо этишга студентлар ва мактаб ўқувчилари қурилиш отрядларини, комсомоллар ва ёшларни актив жалб этиш, аҳолининг истиқомат жойларидаги соғломлаштириш ишларида теннисдан кенг фойдаланиш таклиф этилди».**

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Республикада тенниснинг аҳволи ва уни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ана шундай сатрлар бор. Қишлоқ жойларда мазкур қарорга жавобан ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Биз Самарқанд область Пахтачи районидаги «Коммунизм» колхозида барпо этилган ажойиб теннис майдончалари ҳақида маълум қилган эдик. Қишлоқ ёшларини спортнинг теннис турига кўпроқ жалб этишда «Пахтакор» қишлоқ кўнгилли спорт жамияти мутасаддилари хайрихоҳлик қилмоқдалар.

Яқинда Тошкент областининг Бўка районидан телефон қилиб қолишди. Улар биздан район марказида теннис майдончалари барпо этишга кўмаклашишимизни илтимос қилдилар. Биз «Пахтакор» олий спорт маҳорати мактаби директори Владимир Усиков билан бирга Бўкага йўл олдик. Бизни Ўзбекистон Компартияси Бўка район комитетининг биринчи секретари Тўхтамурод Исломов қарши олди.

— Районимизда спортнинг теннис турини оммавийлаштиришга аҳд қилдик, — дейди Т. Исломов. — Ўйлаймизки, Бўка атрофида теннис майдончалари бунёд этиш учун қулай шароитлар бор...

Секретарь бизни соя-салқин чинорзор томонга бошлади. Бу ернинг табиий шароити бизга ҳам маъқул келди. Тоза ҳаво, атрофи текис ва сокин жойлар экан. Ўзимиз билан олиб борган чизма-лойиҳаларни тавсия этдик. Ана шундай қилиб, тўртта майдончали ўзига хос спорт маскани учун жой ажратилди. Орадан бир ҳафта ўтгач, ўша биз мўлжаллаган ерда қизғин иш бошлаб юборилди. Спорт майдончаларини вужудга келтиришда қишлоқ ёшлари ғайрат кўрсатдилар. Бу ерда яқин кунларда баҳслар ўтказиладиган бўлади.

Тошкент «Динамо» кўнгилли спорт жамияти бўкалик ёшларни оталиққа олди. Чинорзор бағрида динамочиларнинг пионер лагерини барпо этиш мўлжалланди.

Умуман биз боладарни спортнинг теннис турига кўпроқ жалб қилишга алоҳида аҳамият берямиз. Ҳозир динамочилар орасида умидли ёшлар кўплаб топилади. Улар ҳозир сентябрь ойи бошида И. Охунбобоев номидаги соврин учун ўтказиладиган мусобақага пухта ҳозирлик кўрмоқдалар.

Хуллас, республикамизнинг турли жойларида кичик тўп усталарининг машғулотларни мунтазам ўтказишлари учун қулай шароитлар яратилмоқда. Қишлоқ жойларда спортнинг теннис турига алоҳида аҳамият берилаётгани эса таҳсинга лойиқдир.

**Г. ДАШЕВСКИЙ,**
**республикада хизмат кўрсатган тренер.**

**Редактор М. ҚОРИЕВ.**

# РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

## ТЕЛЕВИДЕНИЕ

### 28 ИЮНЬ, ЯКШАНБА

**МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ**

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Концерт. 10.30 — Будильник. 11.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 12.00 — Здоровье. 12.45 — Тонгги почта. 13.15 — Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан. 13.30—Қишлоқ янгиликлари. 14.30 — Музикали киоск. 15.00 — Фильм-спектакль. 17.10 — Бугун совет ёшлари куни. 17.20 — Қўшиқ инсон билан қолади. 18.05 — Коммунистлар туркумидан. 18.35 — Халқаро панорама. 19.20 — Котовский. Бадиий фильм. 20.30 — Киносаёҳатчилар клуби. 21.30 — Время. 22.05 — Футбол шарҳи. 22.35— Фестиваллар, конкурслар, концертлар. 23.35 — Янгиликлар.

**ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ**

10.00 — Концерт. 12.10 — Кувноқ стартлар. 13.25 — Зимородок. Бадиий фильм. 14.40 — Абитуриент — 81. 15.15 — Ўзбекистон спорти. 16.25—Реклама. 18.20 — Болалар учун фильм. 18.45 — Бойчечак. 19.15 — СССР ёзувчиларининг VII съезди олдидан. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Цирк программаси. 20.30— Ахборот. 20.50 —Дам олиш концерти. 21.30 —Время. 22.05 — Ешлик.

**ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ**

16.00 — Фрунзе кўрсатувлари.

### 29 ИЮНЬ, ДУШАНБА

**МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ**

9.00— Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Қамал. Бадиий фильм. 1-серия. 11.40 — Киносаёҳатчилар клуби. 12.40 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.25 — Кувноқ стартлар. 17.00 — Фасллар ва йўллар. Телефильм. 17.40 — Оналар мактаби. 18.10 — Студентлар билан учрашув. 19.15 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга! 20.10 — Ойдин кечадаги суҳбатлар. 21.30 — Время. 22.05 — Ойдин кечадаги суҳбатлар. Фильм-спектаклнинг давоми 22.50 — Ўзбекистон ССР навқирон балети артистларининг концерти. 23.15 — Дунё воқеалари.

**ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ**

I.

18.05 — Мультфильм. 18.30— Мактаб ўқувчилари учун кўрсатув. 19.00 — Ешлик. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Халқ контроли экрани. 20.15 — Телефильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Ғалла — ризқ-рўзимиз. 22.20 — Бугун оламда нима гап. 22.35 — Ҳар кимнинг ихтиёри ўзида. Бадиий фильм.

II.

18.40 — Болалар учун фильм. 19.00 — Телефильм. 19.30 — Қизиқувчилар экрани. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Фильм-концерт. 21.05 — Математика.

## РАДИО

### 28 ИЮНЬ, ЯКШАНБА

**БИРИНЧИ ПРОГРАММА.** 8.30 — Лирик концерт. 9.15 — Табассум. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Чорвамиз жонкуярлари ҳақида ҳикоялар. 13.30 — Сизнинг хонадонингизда. 14.00 — Деҳқон уйи шинам ва гўзал бўлсин. 15.40 — Театр микрофон олдида. 17.40 — Куйлар. 18.15 — Спорт эшиттириши. 19.25 — Ешлик. 20.15 — Шу куннинг қўшиқлари. 21.00 — Колхоз посёлкасининг истиқболи. 22.30 — «Ялла» ансамблининг концерти. 23.15 — Дам олиш концерти.

### 29 ИЮНЬ, ДУШАНБА

**БИРИНЧИ ПРОГРАММА.** 8.30 — Яхши кайфият. 9.15 — Социалистик турмуш тарзи. 9.35 — Кинофильмлардан қўшиқлар. 10.15 — СССР ёзувчиларининг VII съезди. 12.10 — Ўзбекистон индустриальний. 13.00 — Социалистик мусобақа — мураффақият гарови. 14.00 — Баравк ғўзалар. 18.15 — Ешлик. 19.25 — Чолғу куйлари. 20.50 — Шу куннинг муҳим сиёсий воқеалари. 21.00 — Мирмўҳсин. «Илдизлар ва яproқлар». Романдан парча. 21.20 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.30 — Чолғу куйлари. 23.30 — Дам олиш концерти.


Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги

ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

1981 ИЙЛ ЎЧУН

АСПИРАНТУРАГА

**ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Кундузги бўлимга:** эҳтимоллик назарияси ва математик статистика; ҳисоблаш математикаси; экономика, халқ хўжалигини бошқаришни ташкил этиш ва планлаштириш; меҳнатни илмий ташкил этиш ва экономика; капитал маблағлар самарадорлиги; молия, пул муомаласи ва кредит, статистика; бухгалтерия ҳисоби ва хўжалик фаолиятининг таҳлили; иқтисодий тадқиқотларда математик усуллар ва ҳисоблаш техникасини қўллаш; халқ хўжалигини планлаштириш ва бошқариш; диалектик ва тарихий материализм;

**Сиртқи бўлимга:** эҳтимоллик назарияси ва математик статистика; ҳисоблаш математикаси; КПСС тарихи; сиёсий иқтисод; экономика, халқ хўжалигини бошқаришни ташкил этиш ва планлаштириш; меҳнатни илмий ташкил этиш ва экономика; капитал маблағлар самарадорлиги; молия, пул муомаласи ва кредит; статистика; бухгалтерия ҳисоби ва хўжалик фаолиятининг таҳлили; иқтисодий тадқиқотларда математик усуллар ва ҳисоблаш техникасини қўллаш; халқ хўжалигини планлаштириш ва бошқариш; аҳоли жойлашиши ва демография экономикаси; диалектик ва тарихий материализм,

**Аспирантурага танлаган ихтисоси бўйича 2 йиллик стажга эга бўлганлар қабул қилинади.**

**Кириш ҳақида институт ректори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади:** илмий доклад (ихтисоси бўйича реферат), олий маълумоти ҳақидаги диплом нусхаси, зачет ведомостидан кўчирма, кадрлар ҳисоби бўйича шахсий варақа (4х6 см. ҳажмдаги фотосурати билан), таржимаи ҳоли, иш жойидан характеристика ва меҳнат дафтарчасидан кўчирма.

**Паспорт ва диплом шахсан кўрсатилади.**

**Аспирантурага кирувчилар КПСС тарихи ва чет тилидан** (немис, инглиз, француз) олий ўқув юрти программаси ҳажмида имтиҳонларни топширадилар.

**Ҳужжатлар 15 октябргача қабул қилинади.**

Справкалар учун қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 183-уй, 1-63-хона.



**Театр**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/VI да **Оқ танлилар.**

**Цирк**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **ГДР Давлат цирки — «Бушлар 81» гастроллари.**

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

**3 ва 4 ИЮЛДА АБИТУРИЕНТЛАР УЧУН**

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ ЎТКАЗАДИ

**ПРОГРАММАДА:** институтнинг етакчи профессорлари ва доцентлари билан учрашув; лабораториялар, таълимнинг техник воситалари комплекси ва бўлган лекция ўқиладиган аудиториялар, кутубхона, спорт комплекси билан танишув, институт тарихи ҳақида ҳикоя-қилувчи фильм намойиши.

Ф. ЭНГЕЛЬС НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

**7 ИЮЛЬ СОАТ 10.00 ДА**

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ ЎТКАЗАДИ

**ПРОГРАММАДА:** институтнинг етакчи профессорлари ва доцентлари билан учрашув; лабораториялар комплекси ва кутубхона билан танишув институт ҳақида ҳикоя қилувчи фильм намойиши.

Институт адреси: Тошкент шаҳри, Саперная кўчаси, 11-уй.



СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропаганда даси — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54,14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши —33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21,32-54-13; иллюстрация — 32-57-22; стенографистка — 33-73-43, 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 32-54-16; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 6-48-35; Сирдарё —2-05-27; Сурхондарё — 3-92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 02085. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. В — 149.